

# Нажотга етказувчи муҳаббат

Аллоҳ таоло башарият нажоти учун ҳаётларини бағишлаган, уммат бахт-саодати учун бир умр роҳатдан воз кечган зот – Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) севишни ҳар бир мусулмонга вожиб қилган.

**Пайғамбаримиз** <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> **“Эй (либосларига) бурканиб олган киши (Мухаммад!) Туринг-да, (инсонларни охират тўғрисида) огоҳлантиринг...”** <sup>(Муддассир, 1-2)</sup> ояти тушиши билан рисолат юкини кўтариб, инсониятни ҳидоятга чорладилар. Аллоҳ таоло у зот туфайли бизларни имон неъматидан билан сийлади. Бизларни яхши кўрган, ўта меҳрибон бўлган, умрларининг сўнгги лаҳзасида ҳам уммат ғамини чеккан зотни қандай яхши кўрмайлик!

Демак, Аллоҳ ва Расулини севиш шунчаки гап билан эмас, балки амрларига чин дилдан бўйсуниб билан бўлади. Аллоҳни севишни даъво қилган киши Пайғамбаримизга <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> эргашиши керак. Акс ҳолда, даъвоси тўғри бўлмайди.

Албатта, Расулуллоҳга <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> муҳаббатнинг аломатлари бор. Бу белгиларнинг энг ёрқини амал, сўз, ахлоқ ва турмуш тарзида у зотга тобе бўлишдир.

Анас ибн Моликдан <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup>: «Ким суннатимни қайта тикласа, мени суйган бўлади. Ким мени севса, жаннатда мен билан бирга бўлади», деганлар <sup>(Имом Термизий)</sup>.

Абдуллоҳ ибн Ҳишом <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> айтади: «Расулуллоҳ

<sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> билан бирга эдик. У зот Умар ибн Хаттобнинг <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> қўлини ушлаб турган эдилар. Умар: “Ё Расулуллоҳ, сиз менга ўзимдан бошқа ҳаммадан кўра маҳбуброқсиз”, деди. Шунда Набий <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup>: “Йўқ, нафсим измида бўлган Зотга қасам, мени ўзингдан ҳам яхши кўрмагунингча имонинг комил бўлмайди”, дедилар. Шунда Умар деди: “Аллоҳга қасам, энди сиз менга ўзимдан ҳам маҳбуброқсиз”. У зот: “Энди бўлди, эй Умар”, дедилар».

Мусулмонлар Набий <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> бошчилигида Ухуд сафаридан Мадинага қайтишгач, саҳобий аёллардан бири дуч келган кишидан тинмай: “Расулуллоҳга <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> нима бўлди, у зот соғ-омонилар?” деб сўрарди. Бир киши унга: “Эринг ўлди”, деди. “Аллоҳнинг тақдири экан, сабр қиламан, айтинг, Расулуллоҳга нима бўлди?” деб сўради. Бошқа бир киши унинг отаси вафот этганини айтди. “Аллоҳнинг тақдири экан, сабр қиламан, айтинг, Расулуллоҳга нима бўлди?” сўради яна. Яна бир киши унинг ўғли ўлгани хабарини етказди. Аёл яна аввалги гапини такрорлади. Шунда бир киши: “Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> соғ-саломатлар”, деган эди, аёл Аллоҳ таолога ҳамд айтди...

Анас ибн Моликдан <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоят қилинади. Расулуллоҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup>: «Ҳеч бирингиз мени ота-онаси, фарзанди ва барча инсонлардан кўра яхши кўрмагунича мўмин бўла олмайди, дедилар <sup>(Имом Бухорий, Имом Муслим)</sup>. Шу боис Аллоҳ ва охиратга имон келтирган ҳар бир мўмин Расулуллоҳни <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> барчадан: ўзи, ота-онаси, фарзанди ва бутун одамлардан афзал кўриши керак. Зеро, у зотга бўлган муҳаббат Аллоҳ муҳаббатининг шартидир.

Аллоҳ таоло бизни Расулуллоҳга <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> садоқатли бўлишга буюриб, муҳаббатини Элчисига муҳаббати билан боғлаб қўйди. Пайғамбаримизга <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> эргашган, итоатда бўлган, буйруқларини бажарган ва қайтариқларидан йироқ юрган кишиларни севиши ва гуноҳларини кечирешини ваъда бериб, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: «Айтинг (эй Мухаммад!): **“Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинг. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират этади. Аллоҳ кечирувчи ва раҳмлидир»** <sup>(Оли Имрон, 31)</sup>.

Толибжон ҚОДИРОВ  
тайёрлади.

# Тавба эшиклари очик

*Банда гоҳида билиб-билмай хато, гуноҳ қилади. Агар у хатони тўғриламаса, гуноҳдан қайтмаса, ҳам ўзига, ҳам атрофидагиларга жабр бўлади. Хатони тўғрилаш, гуноҳдан қайтиши тавбадир. Ҳар бир киши тавба қилиши керак. Расулulloҳ ( у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин ): “Эй инсонлар! Аллоҳга тавба қилинглр ва Ундан мағфират сўранглр! Мен ҳам Аллоҳга ҳар куни юз марта тавба қиламан”, деганлар (Имом Муслим ривояти).*

*Расулulloҳ ( у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин ), гарчи гуноҳишлар қилишидан сақланган бўлсалар-да, доим тавба қилиб юришлари биз учун ўрнак ва тавба қилишга тарғибдир. Зеро, “Албатта, Аллоҳ чин тавба қилувчиларни ва обдон покланиб юрувчиларни севади” (Бақара, 222).*

*Кишиларга жабр, зулми, ўзганинг ҳақини ейиши каби гуноҳларни мазлум кечирмагунича Аллоҳ таоло кечирмайди.*

*Банданинг тавбаси ҳақиқий бўлиши учун учта шарт бор. Биринчиси, гуноҳдан тўхташи, иккинчиси, пушаймон бўлиши ва учинчиси, гуноҳга зинҳор яқинлашмасликка азму қарор қилишидир.*

*Уламолар ушбу шартлар бажарилсагина, тавба самимий, чин бўлишини айтишиган. Биз мўминлар самимий, чин тавба қилишга буюрилганмиз: “Эй имон келтирганлар, Аллоҳга чин тавба қилинглр, шояд-ки, Раббингиз сизларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларингизни ўчириб, остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга киритса!” (Таҳрим 8).*

*Ҳар бир кишига жони чиқиши арафасигача, гаргара ҳолигача тавба эшиклари очикдир.*

*Аллоҳ таоло барчаларимизни чин тавба қиладиган ва тавбалари қабул бўладиган бандаларидан қилсин!*

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

## Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

## Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

## Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Анвар ТУРСУН  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Абдулҳамид ТУРСУН  
Ҳайдархон ЙЎЛДОШҲЎЖАЕВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Эркин МАЛИК  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Исомиддин ОЛИМОВ  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Муҳтарама УЛУҒОВА

## Хаттот

Ислом Муҳаммад

## Саҳифаловчи

Баҳром ИКРОМОВ

## Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи терди.

## Манзилмиз

100002, Тошкент шаҳри  
Зарқайнар 18-берк кўча 47<sup>а</sup>-уй;  
Тел: 240-08-23, 227-34-30.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтаимиз: [m-nashr@yandex.ru](mailto:m-nashr@yandex.ru)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2013 йил 28 январда рухсат берилди.  
Босмаҳонага 2013 йил 29 январда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x841/8. Адади 63.000 нуска.  
2789 -сон буюртма. «Shaq» нашриёт-матбаа  
аксиядорлик компаниясида босилди.  
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Қўлёмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи на-  
заридан фарқ қилиши мумкин. Келтирил-  
ган иқтибос ва рақамлар учун муаллиф масъ-  
ул. Хат юборилганида исмлар тўлиқ, ман-  
зил аниқ ёзилсин. Мақолалар кўчириб бо-  
силса ёки иқтибос олинса, «Ҳидоят»дан  
олингани кўрсатилиши шарт.

Журналимиз саҳифаларида оят ва  
ҳадислар берилётгани учун  
уни ножоиз жойларга ташла-  
маслигингизни сўраймиз.

## ТАФСИР

## ТАҚВО ВА ТАВАККУЛ 4

Ким Аллоҳдан қўрқса, яъни У белгилаб берган чегарадан чиқмаса, гуноҳлардан узоқ турса, Аллоҳ таоло уни ҳаромдан ҳалолга, танглиқдан кенг-мўлликка ва дўзахдан жаннатга чиқаради ва унга умуман кутмаган ва умид қилмаган жойидан ризқ беради.

## САҲОБАЛАР ҲАЁТИ

## ҲАЗРАТ УСМОН ИБН АФФОН (РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ) 8

Ҳазрат Усмоннинг <sup>(Аллоҳ ризидан рози бўлсин)</sup> ўзи бу ҳақда бундай дейди: “Албатта, Аллоҳ таоло Мухаммадни <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> ҳақ билан жўнатгандир. Мен Аллоҳ ва Унинг расули чақирғига лаббай дедим ва Мухаммадга <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> юборилган нарсага имон келтирдим. Сўнгра икки марта хижрат қилдим. Расулulloҳнинг <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> кувёлари бўлдим ва у зотга байъат бердим. У зотга <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> ҳеч қачон исён қилмадим ва ёлғон гапирмадим”

## МАСАЛА

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ... 14

Фуқаҳола сўзларига кўра, жароҳати бор киши таҳорат олиб, маҳсисини кийиб бўлгунича қон ё бошқа нарса чиқмаса, масҳ муддати давомида маҳсисига масҳ тортаверади (“Фатовойи Ҳиндия”)

## ХАБАРЛАР

## АРАБ ТИЛИ ЕТТИНЧИ ЎРИНДА 22

“Google” портали иш бошқарувчиси

Самир Баҳоий тармоқда энг кўп ишлатиладиган тиллар орасида араб тили еттинчи ўринда туришини маълум қилди.

Арабча саҳифаларга кирувчилар сони шу йўсинда ортса, 2015 йилга келиб, араб тили бу борада тўртинчи ўринга кўтарилиши мумкин.

## МУНДАРИЖА

<i>Яхшиликка чақирिश</i>	
<b>Нажотга етказувчи муҳаббат</b> .....	1
<i>Таянч нуқта</i>	
<b>Тавба эшиклари очиқ</b> .....	2
<i>Идора ҳаёти</i>	
<b>Йил сарҳисоби</b> .....	5
<i>Ҳадис шарҳи</i>	
<b>Шукроналик – фазилат, бахиллик – азият</b> .....	6
<i>Идора ҳаёти</i>	
Мухаммадназар ҚАЮМОВ	
<b>Танловларнинг ғолиблари</b> .....	7
<i>Ёмонликдан қайтариш</i>	
<b>Сеҳр ва унинг турлари</b> .....	10
<i>Дарс</i>	
<b>“Ҳадис” атамаси</b> .....	11
<i>Яхшиликка чақирिश</i>	
Мухаммад СИДДИҚ	
<b>Учта элак</b> .....	12
<i>Мактубларда манзаралар</i>	
Чори БЕГИМҚУЛОВ	
<b>Яқин қадрдонимиз</b> .....	13
<i>Мазҳабимизни ўрганамиз</i>	
<b>Имом Аъзамнинг ибодатлари ва тақволари</b> .....	16
<i>Рангин лаҳзалар</i>	
Гулбаҳор АБДУЛЛОҲ	
<b>Ёмғирпўш</b> .....	17
<i>Мерос</i>	
Баҳодир КАРИМ	
<b>Мурувватли, бағрикенг Бобур</b> .....	18
<i>Томчи</i>	
<b>Сўз гавҳари</b> .....	19
<i>Ҳуқуқий маслаҳатхона</i>	
Икром МАРДОНОВ	
<b>Таътилга чиқмоқчи бўлсангиз</b> .....	23
<i>Шеърят</i>	
Қоражон ҚОДИРОВ	
<b>Бобур ғазалига муҳаммас</b> .....	24
Абдуҳалил ҚОРАБОЕВ	
<b>Гар дилинг пок бўлмаса...</b> .....	24
Абдумўмин АБДУҚОДИРОВ	
<b>Танигин</b> .....	25
<i>Мусулмон одоби</i>	
Нигора МИРЗАЕВА	
<b>Кўнгилга озор етмасин</b> .....	26
<i>Насихат</i>	
<b>Тотувлик сири</b> .....	27
<i>Мовароуннаҳр уламолари</i>	
Шайх Абдулазиз МАНСУР	
<b>Ҳанафий фақиҳлар</b> .....	28
<i>Аёллар саҳифаси</i>	
Мухтарама УЛУҒ	
<b>Кийим маънавият кўзгуси</b> .....	30
<i>Ислоҳ ва табиат</i>	
Парранда ва ҳайвонлар ҳақи .....	32

# Тақво ва таваккул

﴿وَمَنْ يَتَّقِ اللَّهَ يَجْعَلْ لَهُ مَخْرَجًا ﴿٢﴾ وَيَرْزُقْهُ مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ

وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ ﴿٣﴾ إِنَّ اللَّهَ بَلِغٌ أَمْرِهِ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ

لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا ﴿٢﴾

“...Ким Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилар. Яна, уни ўйламаган жойдан ризқлантларар. Ким Аллоҳга таваккул қилса, Аллоҳ унга кифоя қилар. Албатта, Аллоҳ Ўзи (хоҳлаган) ишни қилгувчидир» (Талоқ, 2–3).

Саълабий айтади: Бу ояти карима кўпчилик муфассирлар айтишларича, Молик ибн Авф Ашжаъий ҳақида нозил бўлган.

Жобир ибн Абдуллоҳдан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади. Мушриклар Молик ибн Авф Ашжаъийнинг ўғли Солимни асирга туширдди. У Расулulloҳга (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ушбу ҳолатдан арз қилди: “Ё Расулulloҳ, ўғлимни душманлар асир қилиб олиб кетишди, онаси бунга чидолмаяпти, менга нима қилишни буюрасиз?”. Пайғамбаримиз (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) унга: «Аллоҳнинг азобидан кўрк ва сабр қил. Сенга ва аёлингга “Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ”ни кўп айтишни буюраман», дедилар. Молик уйига қайтиб, аёлига бу гапларни етказди. Аёли бундан хур-

санд бўлди, икковлашиб ўша сўзларни айта бошлашди.

Бир куни пойлашдан ғафлатда қолишганида, Солим фурсатдан фойдаланиб, асирликдан қутулди ва душманларнинг қўйларини олдига солиб (ўлжа сифатида) ҳайдаб, отасининг олдига келди. Бу қўйларнинг сони тўрт мингга эди. Ана шу воқеадан сўнг ушбу ояти карима нозил бўлди. Пайғамбаримиз (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) қўйларни Ашжаъийнинг ўзига бердилар.

“Ким Аллоҳга тақво қилса, У унга чиқиш йўлини (пайдо) қилар”.

Бу ояти каримани Ибн Аббос (Аллоҳ ундан рози бўлсин) “дунё ва охират ташвишлардан қутқаради”, деб тафсир қилган. Калбий эса бундай тафсир қилади: “Ким Аллоҳ таоло азобидан кўрқиб, мусибат пайтида сабр қилса, унга дўзахдан жаннатга чиқиш йўлини кўрсатади”.

Абул Олия ушбу оятни “Ҳамма машаққат ва ташвишлардан чиқиш йўлини” деб; Рабиъ ибн Ҳайсам “Одамларга қийин бўлган ҳамма нарсадан

чиқиш йўлини унга кўрсатади”, деб; Хусайн ибн Фазл “Ким фарзларни адо этиш борасида Аллоҳ таоло азобидан кўркса, унга азобдан қутулиш йўлини кўрсатади”, деб тафсир қилган.

“Яна, уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантларар”. Яъни, савоб ёзади, унга берган неъматларини баракотли қилиб қўяди.

Саҳл ибн Абдуллоҳ айтади: “Ким Аллоҳ таоло азобидан кўрқиб, суннатга риоя қилса, Аллоҳ уни бидъат аҳлига бўладиган азобдан қутқаради ва уни жаннатга киргизади”.

Умар ибн Усмон Садафий айтади: “Ким Аллоҳдан кўркса, яъни У белгилаб берган чега-радан чиқмаса, гуноҳлардан узоқ турса, Аллоҳ таоло уни ҳаромдан ҳалолга, тангликдан кенг-мўлликка ва дўзахдан жаннатга чиқаради ва унга умуман қутмаган ва умид қилмаган жойидан ризқ беради”.

Абу Зарр (Аллоҳ ундан рози бўлсин) айтади: Пайғамбар (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Мен бир ояти каримани биламан, агар одамлар унга амал қилишса, уларга кифоя қилади”, дедилар. Сўнг “Ким Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилар. Яна, уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантларар” ояти каримасини ўқидилар ва уни бир неча марта такрорладилар (Абу Нуъайм, “Ҳиля”).

Ибн Аббос (Аллоҳ ундан рози бўлсин) айтади. «Расулulloҳ (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) “Ким Аллоҳга тақво қилса, У

унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилар. Яна, уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантирар” оятини ўқидилар. Сўнг: “Дунё шубҳаларидан, ўлимнинг даҳшатларидан ва Қиёмат кунининг шиддатларидан кутулиш йўлини”, дедилар» (*Дайламий ривоят*).

Имрон ибн Хусайндан <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоят қилинади. Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> бундай марҳамат қилдилар: “Ким фақат Аллоҳга умид боғласа, Аллоҳ таоло унинг ҳамма эҳтиёжини беради ва ризқини кутмаган еридан етказди. Ким дунёга умид боғласа, Аллоҳ таоло уни дунёсига ташлаб кўяди” (*Табарий ва Байҳақий*).


Ибн Аббос <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоят қилади. «Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> бундай марҳамат қилганлар: “Ким истиғфorni кўп айтса, Аллоҳ таоло унга ҳамма ташвишлардан кутулиш, ҳар қандай тангликдан чиқиш йўлини кўрсатади ва кутмаган еридан ризқлантиради”» (*Абу Довуд ва Ҳоким*).

“Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга кифоя қилар”. Яъни, ким ишини Аллоҳ таолога топширса, кийин бўлган барча нарсаларда Аллоҳ таоло унга кифоя қилади.

“Албатта, Аллоҳ Ўзи (хоҳлаган) ишини қилгувчидир”. Масрук айтиди: “Аллоҳ таоло Ўзига таваккул қилган кишиларнинг гуноҳларини мағфират қилади ва уларга кўп ажр беради”.

Рабиъ ибн Ҳайсам айтиди: “Ким Аллоҳга таваккул қилса, уни бошқаларга муҳтож бўлишдан асрайди; ким Унга имон келтирса, Аллоҳ уни ҳидоят қилади; ким Унга қарз берса, қийматини ўтайди; ким ўзини Унга ишониб топширса, уни асрайди; ким Унга дуо қилса, ижобат этади. Аллоҳ таолонинг Каломида буларнинг тўғрилигини тасдиқловчи оятлар бор”.

Имом Қуртубий тафсири асосида  
Нўъмон АБДУЛМАЖИД тайёрлади.



## Йил сарҳисоби

30 декабр куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида 2012 йил якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов сўзга чиқиб, жумладан, бундай дедилар:

– Яқунланаётган 2012 – “Мустаҳкам оила йили” барчамиз учун муваффақиятли ўтди. Юртимиз обод, халқимиз ҳаёти фаровон ва муқаддас динимиз равнақ топди. Ушбу йилда диний идора жамоаси жуда кўп хайрли ишлар ва меҳр-мурувват тадбирларини амалга оширди. Шунингдек, идорамиз фаолияти янада ривож топди, бир талай ютуқларга эришилди. Албатта, бундай юксак натижаларга етишимизда, диний идора жамоасининг ҳиссаси бор. 2012 йил якунларига кўра, идорамизнинг бир гуруҳ ходимларини фидокорона меҳнати ва диний-маърифий ишларимиз самарасини оширишга катта ҳисса қўигани учун Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг “Энг фидойи ходим” мақтов ёрлиғи билан тақдирлаймиз.

Тадбирда Муҳаммадназар Қаюмов (Масжидлар бўлими мудири), Зайниддин Эшонқулов (тафтиш ҳайъати раиси), Маъмура Авазова (бош ҳисобчи ёрдамчиси), Абдужалил Хўжамов (“Мовароуннаҳр” наширети бош директори ўринбосари), Комилжон Бурҳонов (мутахассис), Оятулло Ражабов (мутахассис), Жалолиддин Холмўминов (“Кўкалдош” билим юрти ўқитувчиси), Нурмуҳаммад Эшназаров (Тошкент Ислоҳ институти ўқитувчиси), Сарвар Муҳаммадиев (диний идора котиби), Патҳиддин Ҳакимов (диний идора ҳайдовчиси), Махсума Маъруповага (диний идора ходимаси) “Энг фидойи ходим” мақтов ёрлиғи тантанали равишда топширилди.

**Мухбиримиз**

# Шукроналик – фазилат, бахиллик – азият

Абу Ҳурайра <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ривоят қилади: «Расулulloх <sup>(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> айтдилар: “Бани Исроилда уч киши бор эди: бири пес, бири кал ва бири кўр. Аллоҳ таоло уларни имтиҳон қилишни хоҳлади: Уларга (инсон суратида) бир фариштани юборди. Фаришта песнинг олдига келди ва: “Нима истайсан?” деб сўради. “Чиройли ранг, гўзал танани, одамлар ҳазар қиладиган бу аҳволдан халос бўлишни”, деб жавоб берди. Фаришта уни силаган эди, шифо топиб, чиройли ранг ва гўзал танага эга бўлди.



Фаришта яна сўради: “Қайси молни яхши кўрасан?” “Туяни”, деди у. Ўша заҳоти унга ҳомиласи ўн ойлик бўғоз туя берилди. Фаришта: “Аллоҳ буни сенга баракали қилсин!” деди.

Кейин кал одамнинг ёнига келди. “Сен нимани хоҳлайсан?” деб сўради. “Чиройли сочим бўлишини, кишиларга ёқимсиз бу холдан кутулишни”, деб жавоб берди у. Фаришта уни силаган эди, бошидан чиройли соч ўсиб чикди. Фаришта яна: “Қайси молни яхши кўрасан?” деб сўради. “Сигирни”, деб жавоб берди. Дарҳол унга бўғоз сигир ҳадя этилди. Фаришта яна: “Аллоҳ таоло бу сигирни сенга баракотли қилсин!” деб дуо қилди.

Сўнг кўрнинг олдига борди. Ундан ҳам: “Нимани хоҳлайсан?” деб сўради. “Аллоҳ таоло менга кўзимни қайтаришини ва одамларни кўришни!” деб жавоб берди. Фаришта уни силади, Аллоҳ кўзларини қайтарди. Фаришта ундан: “Қайси молни кўпроқ яхши кўрасан?” деб сўради. “Кўйни”, деб жавоб берди. Шу заҳоти унга бўғоз кўй берилди.

Сигир ва туя болалади, кўй кўзилади. Йиллар ўтиб, бирининг бир водий тўла туяси, бирининг бир водий сигири, яна бирининг эса бир водий кўйи бўлди. Ўша фаришта пес бўлганнинг олдига одам суратида келди ва: “Мен фақир одамман. Йўлда давом этишим учун озуқам қолмади. Олдин Аллоҳдан, сўнг сендан менга ёрдам бўлмаса, манзилимга етолмайман. Сенга гўзал ранг, чиройли тана ва мана шу ҳолатни ато этган Аллоҳ учун, менга битта туя беришингни сўрайман. Токи у билан йўлимда озикланай”, деди.

– Бунинг сира иложи йўқ, – деди у, – унда (молимда) кўпчиликнинг ҳақи бор.

– Мен сени таниётганга ўхшайман, – деди фаришта, – ҳамма ҳазар қиладиган олатанли, камбағал кимса сен эмасмидинг? Аллоҳ таоло (кейин) сенга (саломатлик ва мол-мулк) берди...

– Менга бу мол ота-бобомдан мерос қолган!

– Агар ёлғон гапираётган бўлсанг, Аллоҳ сени эски ҳолингга туширсин!

Сўнг фаришта кал бўлганнинг ёнига борди. Унга ҳам туябоқарга айтганларини айтиб, ёрдам сўради. Аммо бу ҳам олдингиси каби ёрдам беришдан бош тортди. Фаришта “Агар ёлғон гапираётган бўлсанг, Аллоҳ таоло сени эски ҳолингга қайтарсин!” дея кўр бўлганнинг ёнига кетди. Унга ҳам: “Мен йўқсил одамман, йўлимда давом этишга озуқам қолмади. Олдин Аллоҳдан, сўнг сендан ёрдам бўлмаса, манзилимга етолмайман. Сенга кўзларингни қайтарган Аллоҳ учун сендан биттагина кўй сўрайман.

Токи (у билан) сафаримда озикланай”, деди. У одам жавобан: “(Тўғри айтасан,) мен кўр одам эдим. Аллоҳ таоло кўзимни қайтиб берди. Камбағал эдим, бой қилди. Истаганингни ол, истаганингни қолдир! Худо ҳақи, бугун Аллоҳ учун нима олсанг ҳам сенга қаршилиқ қилмайман!” деди. Фаришта эса: “Молинг ўзингга буюрсин! Сизлар имтиҳон қилиндингиз. Сен розилиқ топдинг, аммо икки биродарингга ғазаб қилинди”, деди (ва ғойиб бўлди)» (*Бухорий ва Муслим*).

### **Шарҳ:**

Кирмоний ҳадисдан бундай хулоса чиқаради: “Кўрнинг мизожи шерикларига нисбатан соғломдир. Чунки песлик мизож ва табиатнинг бузилишидан ҳосил бўладиган касаллик, каллик ҳам шундай. Кўрлик ундай эмас. Кўп ҳолларда у ташқи сабабдан пайдо бўлади. Шунинг учун кўрнинг табиати соғлом, қолган иккисиники бузук бўлган”.

Ҳадисда икки жисмоний касаллик зикр қилинган бўлса-да, аслида қалб касаллигига ишора қилинмоқда. Чунки бахиллик ва қизғаниш қалб касалликларидан.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

\* Эшитганларнинг ибрат олишлари учун ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни эслаш жоиз. Бу уларни ғийбат қилиш саналмайди. Уларнинг исмлари келтирилмаганининг бир ҳикмати ҳам шунда. Ҳатто охир-оқибат уларнинг бошига нима келгани ҳам баён этилмаган. Фақатгина фаришта айтганидек, эски ҳолларига қайтганлари айтилган.

\* Ҳадисда неъматга нонкўрлик қилишдан қайтарилган, шукрга ва неъматни эътироф этиб, Аллоҳ таолога ҳамд айтишга ташвиқ этилган.

\* Бу ўринда, шунингдек, садақанинг фазилатига эътибор қаратилган. Чорасизларга марҳаматли бўлиш, эҳтиёжларини қондиришга чорланган.

\* Бахиллик қораланган. Зеро, бахиллик соҳибини нонкўрликка ва Аллоҳ таолонинг неъматларини инкор этишга бошлайдиган иллатдир.

*Манбалар асосида*  
**Содиқ НОСИР**  
*тайёрлади.*



## ТАНЛОВЛАРНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

2012 йил 27 декабр куни Наманган шаҳридаги “Мулла Қирғиз” мадрасасида вилоят имом-хатибларининг йил якунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят вакилликнинг 2012 йилда бажарган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда сўз олган Ўзбекистон мусулмонлари идораси масжидлар бўлими мудирини Мухаммадназар Қаюмов имом-хатибларни 2013 йил – “Обод турмуш йили”да янада фаол бўлишга чақирди. Шунингдек, вилоят вакили Абдулхай Турсуновни “Гуллар шаҳрида Рамазон файзи” мақоласи “Йилнинг энг яхши мақоласи” деб топилгани муносабати билан қутлади.

\* \* \*

2012 йил 29 декабр куни Тошкент вилояти вакилликда ҳам йил якунларига доир йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов қатнашди. Тадбирда Тошкент вилояти бош имом-хатиби Қурбонали Турсунов сўз олиб, йил давомида қилинган ишлар юзасидан ахборот берди. Шунингдек, йиғилишда “Йилнинг энг яхши видеолавҳаси” республика танлови ғолиби, бўлган Бекобод шаҳар бош имом-хатиби Иброҳим Иномовга ва вилоят имом-хатиблари орасида ўтказилган “Йилнинг энг фаол имом-хатиби” танлови ғолиби Олмалик шаҳар бош имом-хатиби Азимжон Олимжоновга Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мукофотлари топширилди.

**Мухаммадназар ҚАЮМОВ,**  
*Ўзбекистон мусулмонлари идораси*  
*Масжидлар бўлими мудирини*

# Ҳазрат Усмон ибн Аффон

(РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ)

*Тўлиқ исми:* Усмон ибн Аффон Абул Ос ибн Умайя Қурайший. У жаннат башоратини олган ўн кишининг бири. Абу Бакр Сиддиқнинг <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> чақириғидан сўнг Исломни қабул қилган. Умар <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> тавсия қилган олти кишилик машварат аъзоларидан бири бўлган. Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> ундан рози ҳолда вафот этганлар.



*Исломни қабул қилиши.* Ҳазрат Усмон жоҳилият пайтида бой ва обрўли кишилардан бўлиб, нубувват келганидан озгина ўтиб, Исломни қабул қилади ва илк мусулмонлар қаторидан жой олади. Шунингдек, у жуфти ҳалоли Руқия бинти Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> билан икки марта Ҳабашистонга кўчган. Ҳазрат Усмоннинг <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ўзи бу ҳақда бундай дейди: “Албатта, Аллоҳ таоло Муҳаммадни <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> ҳақ билан жўнатгандир. Мен Аллоҳ ва Унинг расули чақириғига лаббай дедим ва Муҳаммадга <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> юборилган нарсага имон келтирдим. Сўнгра икки марта хижрат қилдим. Расулulloҳнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> куёвлари бўлдим ва у зотга байъат бердим. У зотга <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> ҳеч қачон исён қилмадим ва ёлғон гапирмадим”.

Расулulloҳнинг <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> икки кизига – олдин Руқияга, у дунёдан ўтгач, Умму Гулсумга (розияллоҳу анҳумо) уйланигани учун “Зиннурайн”, яъни “Икки нур эгаси” номини олади. Умму Гулсум оламдан кўз юмгач, Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> куёвларига ачинадилар ва: “Жоним измида бўлган Зотга қасам, эй Усмон, агар учинчи кизим бўлганида, албатта сенга берган бўлардим”, дея марҳамат қиладилар.

Аёли Руқиянинг <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> бегоблиги сабаб Бадрада иштирок этолмаган. Расулulloҳ: “Сенга Бадрада қатнашган ва ундан улушини олган кишининг ажри берилади”, деб марҳамат қилганлар.

Худайбия қуни Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> уни Маккага юбордилар. Шу вақтда Ризвон воқеаси бўлиб ўтади. Набий <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup>

ўнг қўллари устига қўйган чап қўлларини “Бу Усмоннинг қўли”, деб айтадилар.

Усмон <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> Рума қудугини йигирма минг динорга сотиб олиб, мусулмонлар ихтиёрига топширади. Йигирма беш минг динор сарфлаб, Масжиди Набавийни кенгайтириб қурдиради.

Ҳазратларнинг бирида Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup> билан саҳобалар очликдан қийналишди. Шунда мусулмонларнинг юзларида хафалик кўришиб, мунофиқларнинг юзига табасум югуради. Бу ҳолни кўрган Расулulloҳ <sup>(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин)</sup>: “Аллоҳга қасам, куёш ботмасидан туриб, Аллоҳ сизга ризкингизни етказди”, дея марҳамат қиладилар. Аллоҳ ва Унинг Расули рост сўзлашини билган Усмон <sup>(Аллоҳ ундан рози бўлсин)</sup> ўн тўртта туяни устидаги озиқ-овқат юки билан сотиб олади ва



тўққизтасини Набийга (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) инъом қилади. Расулulloх (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Бу нима?” деб сўрайдилар. Саҳобалар: “Бу сизга Усмондан ҳадя”, дейишади. Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) қўлларини баланд кўтариб, унинг ҳақиға дуо қиладилар.

Ҳазрат Усмон (Аллоҳ ундан рози бўлсин) “Усра” кўшинини тўққиз юз элликта туя ҳамда элликта от билан жиҳозлаб беради. Ўша кунни Расулulloх (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ҳазрат Усмонни (Аллоҳ ундан рози бўлсин) дуо қилиш билан машғул бўладилар. Усмон (Аллоҳ ундан рози бўлсин) кўшинни таъминлаб бўлгач, минг динорни у зотнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) олдидарига қўяди. Расулulloх (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) динорларни қабул қилиб: “Усмоннинг бу кундан кейин қилган иши унга зарар келтирмайди”, дейдилар.

Набий (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Умматим орасида ҳаёда энг кучлиси Усмондир”, деб марҳамат қилганлар.

Ойша онамиз (Аллоҳ ундан рози бўлсин) айтади: “Абу Бакр (Аллоҳ ундан рози бўлсин) Расулulloхнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) хузурларига киришга изн сўради. Бу вақтда Набий (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) тўшакларида ётар, болдирлари очик эди. Устиларида менинг ёпинчиғим бор эди. Ўзлари мана шу ҳолатда бўлатуриб, унинг киришига изн бердилар. Иш битгач, Абу Бакр (Аллоҳ ундан рози бўлсин) кетди. Сўнгра Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин) келди, унга ҳам киришга изн бердилар. Ўзлари ўша ҳолатларида эдилар. Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ҳам кетди. Сўнгра Усмон (Аллоҳ ундан рози бўлсин) келди. Расулulloх (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ўтириб олиб, болдирларини ёпдилар. Сўнг Ус-

моннинг (Аллоҳ ундан рози бўлсин) киришига руҳсат бердилар. Кейин у ҳам кетди. Шундан кейин мен: “Ё Расулulloх, нега Усмонни ўтириб қаршиладингиз. Абу Бакр ва Умар киришганида бундай қилмадингиз?” дедим. У зот (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Эй Ойша, Усмон ҳаёли киши. Ўша ҳолатимда уни хонага киритсам, заруратини айтолмасдан кетиб қолишидан қўрқдим”, дедилар. Бошқа бир ривоятда: “Фаришталар ҳаё қилган кишидан мен ҳаё қилмайинми?!” деганлари келтирилади.

*Фазилатлари.* Набий (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) қизларининг уйига кирганларида, у Усмоннинг (Аллоҳ ундан рози бўлсин) бошини ювиб қўяётган эди. Шунда у зот (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Эй қизалоғим, Абу Абдуллоҳга яхши қарагин. Албатта, у хулқда саҳобаларимдан менга энг ўхшашидир”, деб айтганлар.

Набий (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) айтадилар: “Ким Усмонни ёмон кўрса, Аллоҳ уни ёмон кўради”. Яна у зот (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Ё Аллоҳ, Усмон сендан розилик сўрапти, ундан рози бўл”, деганлар.

Расулulloх (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ҳазрат Усмонни ваҳийни кўчирувчи қотиб қилиб танлаганлар. У сабабли оятлар нозил бўлган. Шунингдек, ҳазрат Усмон ибн Аффон (Аллоҳ ундан рози бўлсин) суннатга қаттиқ эргашувчи, кечалари кўп намоз ўқувчи инсон эди. У зот (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) Аллоҳга имон келтирганидан сўнг бирон-бир жумани кул озов қилмасдан ўтказмаган.

Ҳазрат Усмон ҳижрий 23-йили ҳазрат Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин) вафотидан сўнг учинчи халифа



бўлди. Унинг (Аллоҳ ундан рози бўлсин) халифалик даври ўн бир йил, ўн бир ой, ўн тўрт кун давом этди. Шаҳид бўлган вақтида ёши тўқсон ёки саксон саккизда эди. “Бақи” қабристонига дафн этилди. Бир кун олдин кўрган туши ҳақида ўзи бундай деган: «Тушимда Расулulloхни (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) очик-ойдин кўрдим. Яна Абу Бакр, Умарни (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ҳам кўрдим. Улар менга: “Сабр қил, эртага биз билан ифтор қиласан”, дейишди».

**Юлдуз АСҚАР қизи**  
тайёрлади.

Афсус, ҳозир ҳам сеҳр билан шуғулланаётганлар бор. Улар озми-кўпми даромад ортидан чопиб, абадий ҳаётларини барбод қилишларини ўйламоқдаларми? Ўзларининг ҳаёт ва охиратларини кўйдирганлари етмагандек, уларга эргашганларнинг ҳам гуноҳларини елкаларига ортишга нима ундамоқда? Бу қабиҳ ишнинг хатаридан оммани огоҳ этиш учун сеҳр ва унинг офатлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

# Сеҳр ва унинг турлари

Сеҳрнинг кўриниши ялтирок, оддий одамлар қалбини мафтун қилувчи, ботини эса бадбўй, хунукдир. Фақат ундан ақл эгалари, қалби имон билан ёришган, соғлом фитрат соҳиблари узоқлашадилар. Сеҳр ўз номи билан алдов бўлиб, сеҳрчининг мақсади бандаларни шайтонсифат одам ва жинлар ёрдамида адаштиришдир. У инсонларни ширк ва залолат йўлига бошлайди.

Кўйидагилар сеҳрга киради:

1. Сабаби яширин бўлиб, аслидан бошқача туюлтирадиган, кўзбўямачилик ва алдаш.

Очиқ қуръоний хабарларда келишича, Фиръавннинг сеҳри хаёлий, кўзбўямачилик бўлган. Аллоҳ таоло айтади: “(Улар кўлларига асо ва ипларни ташлаган эдилар) **бирданига иплари ва таёқлари – сеҳрлари сабабли – унга (Мусога) юриб кетаётгандек туюлди**” (*Тоҳа, 66*). Яна бир оятда: “**Бас, ташлаган эдилар, одамларнинг кўзларини сеҳрлаб, уларни чўчитиб юбордилар – улкан сеҳр келтирдилар**” (*Аъроф, 116*).

2. Нарсани аслидан ўзгачаликка буриш, алмаштириш, бошқача кўрсатиш.

Аллоҳ таоло айтади: “**Бас, (унда) нечук (ҳақиқатни қабул қилиш ўрнига) сеҳрланмоқдасиз?!**” (*Мўминун, 89*), яъни “қаерга бурилиб кетмоқдасиз?”

Бу кўз билан содир бўлади. У воқеликдаги нарсани аслидан бошқа кўринишда кўради ва бу “сеҳрланган кўз” дейилади. Масалан, Фиръавн иплари ва таёқларининг илонга ўхшаб кўриниши.

Яна бу қалбда ҳам содир бўлади. Сеҳр касофатидан қалб ҳеч бир сабабсиз яхши ёки ёмон кўра бошлаши.

3. Бир инсонни яхши ёки ёмон кўрдириш, эр-хотин орасини ажратиш, аёлни эридан совутиш, касалини оғирлаштириш мақсадида бе-

восита сеҳрланувчининг ақлига, қалбига, баданига таъсир этадиган сеҳрчилик амали, гапирадиган ёки ёзадиган сўзи, афсуни ёки тугун солиши.

Сеҳрнинг барча тури шариатимиз ҳаром қилган ишлардан ҳисобланади. Лекин учинчи турининг гуноҳи жуда оғир. Афсус, халқимиз ичида энг кенг тарқалгани ҳам айнан мана шундай сеҳрдир.

## СЕҲРНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Сеҳрчи барча ишларини амалга оширишда шайтон билан ҳамкорлик қилади. Шайтон сеҳрчи қилган ишларда ёрдам беради. Сеҳрчининг, унинг малайларининг Аллоҳга куфри, шайтонга куллик қилиши қанча ошса, шайтоннинг унга бўйсунуши шунча ошиб боради. “**Сеҳргар эса, қаерда бўлмасин зафар топмагай**” (*Тоҳа, 69*).

Сеҳр касал қилиш, оғирлаштириш, ақлни заиф қилиш, яхши ёки ёмон кўрдириш ёки қон оқиздириш каби таъсирларга эга. Сеҳрчи ҳақиқий мўминларга ёмон таъсир қилолмайди. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “**Менинг бандаларим устидан сен учун ҳеч қандай салтанат (ҳукмронлик) йўқдир**” (*Ҳижр, 42*).

Шуни унутмайлик, ҳеч нарса, жумладан, сеҳрнинг таъсир этиши ҳам Аллоҳ таолонинг иродасисиз содир бўлмайди. “**Лекин улар Аллоҳнинг изнисиз у билан ҳеч кимга зарар етказа олмаслар**” (*Бақара, 102*).

Шунинг учун, мўминлар Аллоҳ таолонинг амрларини вақтида адо этиб, сеҳр каби ҳалокатли амаллардан узоқ юришлари керак.

Манбалар асосида  
Сора Ҳусайн қизи  
тайёрлади.

# “ҲАДИС” АТАМАСИ

Журналимизнинг бу йилги илк сонидан Сиз азиз ўқувчиларимизни ҳадис илмидан сабоқлар билан баҳраманд этиб боришга қарор қилдик. Ҳар сонда бериб бориладиган ушбу сабоқларда “Ҳадис нима? Унинг қандай турлари бор? Ҳадислар бизгача қандай етиб келган?” каби ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб оласиз, иншааллоҳ.

Саҳобалар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) Пайғамбаримизни (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) жуда яхши кўришар, эҳтиром қилишар, у зотнинг муборак оғизларидан чиққан ҳар бир гап, ҳикматни бор вужудлари билан тинглашар, мағзини чақиб, ҳаётларига татбиқ қилишар, бошқа саҳобаларга айнан эшитганларидек етказишарди. Бунда улар: “Сизга Расулulloҳдан (У зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) эшитганим бир ҳадисни (яъни, гапни) сўзлаб берайинми?” деб гап бошлашарди. Расулulloҳнинг (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ўзлари ҳам “Биздан бир ҳадисни (гапни) эшитиб, уни ёд олиб, бошқага етказган кишини Аллоҳ қувонтирсин”, дер эдилар (*Имом Термизий ривояти*). Шундан у зотнинг гапларига нисбатан “ҳадис” сўзи ишлатиладиган бўлди. Араб тилида “ҳадис” сўзига маънодош “қавл”, “мақола”, “калом” каби сўзлар ҳам бор. Лекин юқоридаги каби ҳадислар ва саҳобалар сўзларига асосланиб, кейинчалик “ҳадис” дейилганида тўғридан-тўғри Пайғамбаримизнинг (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) гаплари тушуниладиган бўлди. Даврлар ўтиб, бу сўзнинг маъноси янада кенгайди. Энди у нафақат у кишининг сўзларига



нисбатан, балки қилган ишлари, бирор ишни тасдиқ ёки инкор этишлари, у кишининг хулқлари, жисмоний сифатлари ҳақидаги саҳобаларнинг хабарларига нисбатан ҳам қўллана бошлади.

“Суннат” сўзи бирор амал, ҳолат ё масалада Расулulloҳнинг (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) равишлари, тутимлари, айтганлари маъносида қўлланган. Мисол учун Пайғамбар (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) “Никоҳ менинг суннатим, ким суннатимга амал қилмаса, мендан эмасдир”, деганлар (*Имом Ибн Можа ривояти*). Саҳобалар ҳам бирор ишда Пайғамбаримизнинг (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) тутган йўллари ҳақида хабар бермоқчи бўлишса: “Бундай қилиш суннатдандир”, дердилар. Масалан: ҳазрат Али (Аллоҳ улардан рози бўлсин) “Намозда ўнг қўлни чап қўл

устида тутиб, киндик остига кўйиш суннатдандир”, деганлар (*Имом Абу Довуд ривояти*).

Суннатнинг ҳадис ва фикҳ илмларидаги таърифи бири-биридан фарқ қилади. Ҳадис олимлари Пайғамбаримизнинг (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) айтган гаплари, қилган ишлари, бирон ишни тасдиқ ёки инкор қилишлари, хулқий ва жисмоний сифатларини ҳам суннат дейишса, фикҳ олимлари Расулulloҳ (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) давомли қилиб юрган, киши бажарса, савоб оладиган, бажармаслиги макруҳ бўлган амални суннат дейишади.

“Хабар” сўзи ҳам баъзан “ҳадис” маъносида ишлатилсада, аслида унинг маъноси кенг. Чунки у Пайғамбаримиздан (У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) келган ривоятларни ҳам, бошқалардан келган ривоятларни ҳам қамраб олади.

# УЧТА ЭЛАК



Динимизда бизга берилган тенгсиз неъматлардан бири тил экани, ундан оқилона фойдалансак, улуғ даражаларга етказиши, аммо саклай билмасак, икки дунёда ҳам ютқазимиз айтилган.

Мўмин одам тилига эрк бермайди. Эшитган ҳар бир сўзини гапиравериш гуноҳкор бўлиб қолишига кифоя қилади. Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) тилни тийиш борасида бундай марҳамат қилганлар: “Мўминнинг тили қалбида. Агар бирор нарсани гапиришни хоҳласа, қалби билан ўйлайди, сўнг тилига чиқаради. Мунофиқнинг тили қалбидан ташқарида, хаёлига келган нарсани тилига чиқаради, қалби билан ўйламайди” *(Хароитий ривояти)*.

Донишманд олдида бир одам ҳовлиқиб келиб:

– Сизга бир сўз айтмоқчиман, – дебди.

– Шошма, – дебди донишманд. – Айтмоқчи бўлган гапларингни учта элақдан ўтказдингми?

– Қанақа учта элак? – деб ҳайрон бўлибди у.

– Биринчиси – ҳақиқат элаги, келтирган хабаринг ҳақиқатми?

– Билмайман, мен уни бошқалардан эшитдим.

– Иккинчиси – яхшилик элаги, айтар сўзинг одамларга фойда келтирадими?

– Йўқ, ундай деб ўйламайман. Бирок...

Донишманд унинг гапини кесибди:

– Унда сўзингни учинчи элакка соламиз.

Менга шу хабарни айтишинг шартми?

– Шарт эмас...

Шунда донишманд унга танбех берибди:

– Сўзларинг рост эмас, яхшиликка хизмат қилмайди. Кейин менга айтишинг ҳам шартмас, кел, ўзингни ҳам, мени ҳам қийнама.

Ёлғон, ғийбат, чақимчилик, риё, шубҳагумон, ўзгаларни ҳақорат қилиш каби иллатларнинг барчаси тилни тиймаслик оқибатида содир бўлади.

Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бундай деганлар: “То банданинг қалби тўғри бўлмагунича, имони тўғри бўлмайди. То тили тўғри бўлмагунича, қалби тўғри бўлмайди. Киши то қўшнисининг озорларидан омон бўлмагунича жаннатга кирмайди” *(Абу Дунё ривояти)*.

Пайғамбаримиздан (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) “Мусулмон ким?” деб сўралганида, “Мусулмон кўлидан ва тилидан бошқалар озор чекмаган кишидир”, дедилар.

Баъзан кўча-кўйда, жамоат жойларида айрим ёшларнинг ўйламай айтган, пардасиз сўзлари, катталарга гап қайтарганини эшитиб қоламиз. Отаналар болалари тилидан бирор ножўя сўз чиқса,

уларга насихат қилиши, бу ишлари гуноҳ эканини тушунтириши керак.

Мўмин киши охиратда тили сабаб азобланишидан кўрқиши зарур.

Кўпинча савоб ишларни қиламиз-у, билиб-билмай мақтаниб кўямиз. Тилимиз сабаб, яхшилигимиз риёга айланади.

Яқинда ойнаи жаҳонда “Мингта сўз” номли филм намойиш этилди. Бош қаҳрамон ҳаёти бир кечада ҳовлисида пайдо бўлиб қолган катта дарахт билан боғлиқ. Дарахтнинг япроқлари, унинг умр йиллари. Яъни, бир оғиз сўз айтса, дарахтдан битта барг тўкилади. Бу ҳолат эса ўша одамнинг умридан бир неча йил кетди, дегани. Олдинига у эътибор бермайди. Жуда кўп барглари беҳуда совуради. Барглари жуда оз қолганини кўргачгина, ҳар бир сўзига эҳтиёт бўлиши кераклигини тушуниб етади. Захирадаги санокли барглари унумли фойдаланиш керак. Филм қаҳрамони энди фақат зарур бўлиб қолганидагина керакли ва яхши сўзларни айтишга интилади. Олдин онасининг олдида чопади. Уни яхши кўришини айтиш учун битта япроқдан воз кечади. Кейин яқинлари, оила аъзоларидан бирма-бир кечирим сўрайди. Хуллас, қолган япроқларни фақат яхшиликка ишлатишга ҳаракат қилади...

Кино жуда таъсирли, чунки унда тилга эрк беришнинг қандай оқибатларга олиб келиши кўрсатилган.

Тилимиздан чиққан ҳар бир сўзни фаришталар ёзиб боришининг ўзи фойдасиз сўзлардан тийилишга етарлидир. Зеро, Аллох таоло огоҳлантиради: **“Ўнг ва чап (томон) да ўтирган икки қабул қилувчи (ёзиб тургувчи фаришта инсоннинг айтган ва қилган барча яхши-ёмон сўз-амалларини) қабул қилиб ёзиб турурлар. У бирон сўзни талаффуз қилмас, магар (талаффуз қилса) унинг олдида ҳозир нозир бўлган бир кузатувчи (фаришта у сўзни ёзиб олур)”** (Қоф, 17–18).

**Муҳаммад СИДДИҚ**

Тошкўрғон қишлоғида ўн мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу жой азалдан илм-маърифатли кишилар юрти. Бухоро амирлиги даврида тошкўрғонлик кўп йигитлар “Ислом динининг қуввати” саналган Бухорода таҳсил кўришган. Кексалар айтишича, “Аминнинг даҳяги”ни (стипендияси) олиб ўқиган талабалар ичида қишлоқдошларимиз кўп бўлган. Ҳатто уларнинг бири ҳақида “Бухоронинг жами илмини олиб кетди” деган нақл ҳам тарқалган экан.

## Яқин қадрдонимиз

Советлар даврида ана шундай алломалардан мулла Эсон, мулло Исматулло, мулло Абдурахмон каби бир қанча зиёлилар қатағон қилинган. Одамлар юрагида кўркув уйғотиш учун уларни қишлоқда, одамларнинг кўзи олдида хўрлаб, отувга ҳукм қилишган экан.

Мустақиллик шарофати билан динимизга кенг йўл очилди, кадрятлар қайта тикланди. Аждодлар удумига қатъий амал қилган қишлоқдошлар илм аҳлини қаттиқ кадрлайди, давраларининг тўрига ўтказди.

Бундан бир неча йиллар олдин “Ҳидоят” журналида Ҳаким Сатторийнинг “Истиғфор” номли мақоласи давомли эълон қилинган эди. Қишлоғимизда бир пайтлар ўқитувчилик қилган Ҳаким Сатторийнинг рўзани қандай қабул қилгани ҳақидаги кечинмалари биз қишлоқдошларни бефарқ қолдирмади. Журналнинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутиб, қизиқиш билан ўқидик. Эндиликда бу нашр бизнинг яқин қадрдонимизга айланди. Унинг таҳлавларини озода, кўринарли жойда заха етказмай сақлаб борамиз. Чунки “Ҳидоят”даги мақолалар ҳеч қачон эскирмайди.

Бу йил ҳам ўттиздан ортиқ қишлоқдошлар журналга обуна бўлишди. Унда мавзулар кенглиги, динимиз ҳукмлари осон тушунтирилиши ва ижтимоий мақолалар бериб борилиши бизга жуда маъқул.

**Чори БЕГИМҚУЛОВ,**

*Касби туманидаги “Раҳматуллоҳ Суяр ўғли” жомеи имом ноиб*

# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Саволларингизга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий  
Усмонхон АЛИМОВ жавоб беради.



Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Ҳурматли Муфтий ҳазратлари!

**Савол:** Бақара сурасининг 136-оятда ва Нисо сурасининг 163-оятда зикр қилинган “асбот”нинг маъносини тушунтириб берсангиз.

**Жавоб:** Алҳамду лиллоҳи вассалоту вассалому ало расулиллаҳи аммо баъд: “Асбот” “сибт” сўзининг кўплик шаклидир. Луғатда насл маъносидадир.

Муфассирлар айтишларича, у оятларда зикр қилинган “асбот” ҳазрат Яъқубнинг (у зотга Аллоҳнинг саломати бўлсин) ўғилларидир. Улар ўн икки нафар эдилар. Улардан ҳар бирининг фарзандлари бир уммат бўлган. Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: “Уларни ўн икки уруғ-уммат қилиб бўлиб ташладик ва Мусодан қавми сув талаб қилганида, унга: «Асойинг билан тошни ур!» деб ваҳий қилган эдик, (ургач) ундан (тошдан) ўн икки чашма отилиб чиқди. Ҳар бир (уруғга тегишли) одамлар ўз сув ичадиган жойини билиб олдилар. Улар узра булутларни соябон қилдик ва устиларидан ширинлик ва беданалар ёғдириб: «Сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларидан тановул қилингиз!» (дедик). Улар (итоат қилмай) Бизга зулм қилмадилар, балки ўзларига зулм қиладиган бўлдилар” (Аъроф, 160).



**Савол:** Оёғимда жароҳат бор, вақти-вақти билан қон сизиб туради. Мен маҳси кийиб, унга масх тортсам бўладими?

**Жавоб:** Фуқаҳолар сўзларига кўра, жароҳати бор киши таҳорат олиб, маҳсисини кийиб бўлгунича қон ё бошқа нарса чиқмаса, масх муддати давомда маҳсисига масх тортаверди (“Фатовойи Ҳиндия”).



**Савол:** Оятлар ёзилган туморларни тақиш ва идишга оятларни кўчириб, сув билан чайиб ичиш мумкинми?

**Жавоб:** Оятлар, Аллоҳнинг исм ва сифатлари ёзилган туморларни тақиш ҳанафий, моликий,

шофиъий ва ханбалий мазҳаблари уламолари наздида жоиздир. Тумор ҳақида келган ҳадис ширк сўзлар ёзилган туморлар ҳақидадир. Бу ўринда шуни алоҳида эслатамиз: оятлар ёзилган тумор билан хожатхонага кирмаслик керак.

Идишга оятларни кўчириб, сув билан чайиб ичиш ҳам жоиздир. Ибн Аббос (Аллоҳ ундан рози бўлсин) туғишга қийналган аёлга ана шундай қилишни буюрганлари нақл қилинган (“Баён лин нас”, “ал Мавсуа ал фиқҳийя”).



**Савол:** Эр-хотин фарзанд кўришни истамаса, хомиладан сақланишлари мумкинми? Шариятда бунга ижозат борми?

**Жавоб:** Эр-хотинга фарзанд кўриш вожиб эмас, шунинг учун улар фарзанд кўришмаса, гуноҳкор бўлмайдилар. Хомиладан сақланиш

воситаларини, агар саломатликка зиён келтирмаса ё бирор аъзо манфаатларини тўхтатишга олиб бормаса ёки таносил аъзоларини ишдан чиқармаса, қўллаш жоиздир.

Бу ўринда фарзанд кўриш эр-хотинга фарз эмаслигини айтиб қўйишимиз муҳимдир. Дорилар истеъмол қилиш ё жарроҳлик амалиётларини қилдириш билан фарзанд кўришга ҳаракат қилиш уларга вожиб эмас. Зеро, агар фарзанд кўриш эр-хотинга фарз бўлганида Аллоҳ таоло ҳеч кимни бепушт қилмаган бўларди.



**Савол: Биз биламиз, Пайғамбарлар (алайҳимуссалом) том маънода сабрли бўлишган. Аммо Қуръони каримда Аллоҳ таолога уларнинг баъзиларининг шикоятлари зикр қилинган. Шикоят сабрга терс тушмайди-ми?**

**Жавоб:** Йўқ, терс тушмайди. Муфассир Фахриддин Розий бундай дейдилар: “Аллоҳ таолога шикоят этишда Унга илтижо бор. Аллоҳ таолога шикоят қилиш, ўзининг ожиз ва нотавон эканига иқрор бўлишдир. Шунинг учун бундай шикоятни сабрсизликка йўйиб бўлмайди.



“Сабр шикоят қилмасликдир” қоидасида бандаларга шикоят этиш кўзда тутилган.



**Савол: Бошланг намоз ўқиш дурусти-ми?**

**Жавоб:** “Дуррул Мухтор” ва Ибн Обидиннинг ушбу асарга ёзган хошиясида бундай дейилади: “Бош кийим кийишга эришиб ё намозни бош кийим билан ўқиш муҳим эмас деб ёки қасддан бошланг намоз ўқиш макруҳдир”.

Аммо ўзини паст тутиш ва хушунини орттириш ниятида бошланг намоз ўқишнинг зарари йўқ. Бу ҳолат ҳаммада ҳам бўлавермайди. Шунинг учун намозни бош кийим билан ўқиган яхши.



**Савол: Ётган ҳолда энгил мудраган кишининг таҳорати синадими? Уйқудан туриб, таҳорат олишда ҳам сув билан истинжо қилинадими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Ётган ҳолда мудраш икки хил бўлади: бири – қаттиқ мудраш. Бунда киши ёнидаги одамларнинг гапларини эшитмайди. Бу ҳолда таҳорат синади. Иккинчиси – энгил мудраш, киши ёнидаги одамларнинг гапларини эшитиб ётади. Бунда таҳорат синмайди. Ухлаб тургач ёки ел чиққанидан кейин таҳоратни янгилашда сув билан истинжо қилинмайди («Оламгирия», «Муҳит», «Захира», «Қозихон»).



**Савол: Маҳсига масҳ тортиш учун қўллар хўл бўлиши етарлими?**

**Жавоб:** Йўқ, маҳсига масҳ тортишда бармоқларнинг учидан сув томиб туриши лозим. Агар бармоқлар учидан сув томиб турмаса, масҳ ўрнига ўтмайди (“Зоҳирия”).

**Нўъмон АБДУЛМАЖИД**  
ёзиб олди.

# ИМОМИ АЪЗАМНИНГ ИБОДАТЛАРИ ВА ТАҚВОЛАРИ

Бир киши Абдуллоҳ ибн Муборак олдиларида Имоми Аъзамдан бироз шикоят қилди. Шунда Ибн Муборак ҳазратлари айтдилар: “Хайф сенга, қирқ беш йил беш вақт намозни бир таҳорат билан ўқиган ва менга барча фикҳ илмини ўргатган азиз зотдан шикоят қиласанми?!”

Ҳазрат Имоми Аъзам ўттиз йил кун ора рўзадор эканлар. Кўчадан ўтиб кетаётганларида бир киши ёнидагига: “Шу одам Абу Ҳанифа, кечаси билан ухламасдан тоат қилиб чиқадилар”, деди. Бу гапни эшитган Имоми Аъзам шогирди Абу Юсуфга айтдилар: “Субҳоналлоҳ, Аллоҳ таоло каминани шундоқ дейилишга муносиб кўрибди ва буни атрофга ёйибди. Бундан буён кечалари намоз ўқиб, Аллоҳ таолога ёлворамаман ва муножот қиламан. Зеро, Қуръони мажидда қилмаган иши учун мақталишни хуш кўрадиганлар ёмонланади: “... қилмаган (яхши) ишлари учун мақталишни севадиганлар азобдан халос бўладилар деб асло ҳисобламанг! (Оли Имрон, 188), оятини ўқиб қирқ йил хуфтоннинг таҳорати билан бомдод намозини ҳам ўқийдилар.

Имом Абу Юсуф айтганлар: “Устодим Имоми Аъзам бир кеча ва кундузда бир бор Қуръонни хатм қилар эдилар. Рамазон ва ҳайит кунларида

икки мартадан хатми Қуръон қилар эдилар”.

У зот илм ўргатишда кўп сабрли, ғазабдан узоқ эдилар. Имом Мисъар айтган: “Ишроқ намозини ўқигач, то пешин намозини ўқигунча дарс ва фатво берардилар. Сўнгра хуфтонгача яна дарс бериш билан банд бўлардилар. Шогирдлари кетганидан сўнг покизалик ва таҳорат билан масжидга чиқиб, бомдодгача намоз ўқир эдилар. Сўнг уйларига кириб, кийимларини алмаштириб, бомдод намозига чиқар эдилар. Эртасига яна ўтган кундагидек қилардилар”.

Агар бирор масала ҳал бўлавермаса, Имоми Аъзам шогирдларига: “Бу менинг қилган гуноҳимдандир”, дер эканлар. Сўнгра истиғфор айтиб, янги таҳорат билан икки ракат намоз ўқиганларидан сўнг ўша масаланинг ечими топилар экан.

## ҲАЗРАТ АЛИ

### ДУОЛАРИНИНГ БАРАКОТИ

Ривоят қилишларича, Имоми Аъзамнинг отаси Со-

битни болалик чоғида бобоси ҳазрат Али (каррамаллоху важҳаху) хузурларига олиб келиб, унинг ҳақиқага дуо қилишларини сўрайди. Ҳазрат Али (каррамаллоху важҳаху) Аллоҳ таоло бу боланинг ўзига ва зурриётига баракот берсин, деб дуо қиладилар. Ушбу дуо шарофатидан Собитнинг зурриётидан Имоми Аъзам чиқдилар ва бу зотнинг мазҳаблари оламга машҳур, шогирд ва эргашувчилари сон-саноксиз бўлди. Барча улуғ уламолар ва буюк мужтаҳидлар у зотнинг мазҳабидаги усул ва фуруъ масалаларига амал қилишдилар. Унинг ҳартомонлама шаклланиши ва ривожланишига ҳисса қўшдилар.

Фақиҳ ва муҳаққиқ олим Ибн Обидин “Дуррул мухтор” ҳошияси “Раддул мухтор”да ёзишларича, Самарқандда бир мазор бор. У ерда тўрт юз нафар Муҳаммад исмли ҳанафий мазҳабининг улуғ уламолари ётишибди. Уларнинг ҳар қайсиси фатво бериш-



га лаёқатли, бир қанча асарлар битган ва кўплаб шогирд етиштирган зотлар бўлишган. Уларнинг издошлари ҳам улуғ илм эгалари бўлиб, кўпгина мусулмон халқларга илму ирфон ўргатишган.

Энди ушбу сатрлар муаллифи ожизона арз қиладики, жаноб Ибн Обидин зикр қилган уламолар мазори Самарқандда ҳозир ҳам (1914 йиллар ҳақида гап кетмоқда – таҳр.) бор, у “Чокири хибра” мазори дейилади. Аламул худо (хидоят нишони) Шайх Абу Мансур Мотуридий ҳазратларининг қабри шарифлари шу мазорда.

Имом Шофиъий бундай деганлар: “Ҳар ким фикх илмини билишни истаса, Имоми Аъзамнинг шогирдларига шогирд бўлсин. Мен ҳам Имом Муҳаммад ибн Ҳасаннинг китобларини мутолаа қилиб, фақиҳ бўлдим”.

Уламолар айтишган: “Фикҳни ҳазрат Абдуллоҳ ибн Масъуд (Аллоҳ ундан рози бўлсин) экди, Имом Алқамасуғорди, Иброҳим Нахъий ўрди, Имом Ҳаммодинянчди, Имом Абу Ҳанифа ун қилдирди, Имом Абу Юсуф қориб ҳамир қилди ва Имом Муҳаммад нон қилиб пиширди”.

Буларнинг бари ҳазрат Алининг (каррамаллоҳу ваҷҳаҳу) ўша дуолари баракоти ва қароматлари сабабидандир.

Васлий Самарқандийнинг “Имоми Аъзам ҳаёти ҳақида қимматли сўзлар” китобидан.



## Ёмғирпўш

*Ёмғир савалаб ёғмоқда.*

Жунжиккан кўйи ёмғир рақсини томоша қиларканман, хаёлим қочди. Кечаги маошимдан болаларимга жемпер билан қалин шим олиб берган эдим. Бу ойлигимдан бош кийим билан оёқ кийим олдим. Болалар кўчада совуқ еб, шамоллаб қолмайдиган бўлишди ҳартугул.

Мана, қиш изғирини ҳам эшик қоқиб қолди... Энди ҳар бирига битгадан ёмғирпўш олсак. Ёмғирдан, қордан, дўлдан ҳимоя қиладиган ёмғирпўш. Кейин яна нимадир...

Типирчилаганимиз-типирчилаган. Сўнгра қарасак, умримиз билинтирмай охирига етиб қолибди...

Тирикчилик – тирриқчилик. Болам бу дунёда қийналмасин, тўкин-сочин яшасин деб, иккиталаб, ҳатто учталаб ишхонада ишлашга рози бўламиз, минг бир кўчага кириб чиқамиз. Аммо... бу пайтда улар қайси кўчаларни кезиб юришганини биламизми? Жигарбандларимизни ўткинчи қийинчиликлардан асраймиз-у, абадий қийинчиликлар қаршисида ҳимоясиз қолдираётганимизни ўйлаб кўрмаймиз. Кўча-кўйда, интернет клубларда ёки ахлоқсиз тенгқурлари даврасида вақт ўтказаяётган шўрлик болаларнинг аҳволи эртага нима бўлади? Эгниларига тўрт фаслга мос кийим-бош уларни хатарли иллатлардан асраёлмаслиги тайин. Одоб-ахлоқ, маънавий тарбия ўрнини бошқа нарса боса олмайди. Уларнинг ташларини қийинтирганимиздек, кошки ички оламларини ҳам гўзал хулқ, адаб ҳамда хаё либослари билан қийинтира олсак эди!..

Боламизни куз изғирини, қиш совуғига қолдиргимиз келмайди. Ўзи ширин, жони ширин. Руҳи-чи? Ички дунёси-чи? Асосий парваришни бу томонга қаратиш керак. Шунда дунёнинг вақтинчалик қийинчиликлари билан бир қаторда уларни абадий қийинчиликларидан ҳам асраб қолган бўлар эдик. Яъни, болаларига меҳрибон ва шафқатли ҳар бир ота-она уларга энг биринчи галда маънавий озуқа – чиройли одоб ва гўзал хулқ билан безанган “юррак ёмғирпўши” улашишни ҳам унутиб қўймасин.

Гулбаҳор АБДУЛЛОҲ



# МУРУВВАТЛИ, БАҒРИКЕНГ БОБУР

Жахон маданияти тарихида бетакрор сиймо сифатида ўчмас ном қолдирган Захириддин Муҳаммад Бобур нисбатан қиска умр кўрди. Ундан “Бобурнома”, лирик шеърлар – ғазаллар, рубоий, туюқ ва маснавийлар мерос бўлиб қолди. “Бобурнома” – Бобур ижодининг кўрки.

Бунда Бобурнинг қадами етган эл-юртлар тарихи, географияси, наботот ва ҳайвонот олами, об-ҳавоси, маданий муҳит ва турли тоифа инсонлар тавсифи мужассам. “Бобурнома” – чархнинг “жавру жафо”лари, шоир кўнглига етказган “дарду бало”лари, тождорлигу “балойи таъна”лар ифодаси.

*Даврон мени ўтқарди сару сомондин,  
Ойирди мени бир йўла хонумондин,  
Гаҳ бошимга тож, гаҳ балойи таъна,  
Неларки бошимга келмади даврондин.*

Бобур шахсиятида жуда камдан-кам инсонга насиб қиладиган мукамал бир хислат — шоҳ ва шоирлик қисмати уйғунлашди. Дунё ишларига бутун вужуди билан шўнғиш, юртма-юрт кезиб, улкан бир салтанат бунёд қилиш, унинг тинчини сақлаш, оқилона бошқариш – бу бир инсон умрини безайдиган эзгу ташвиш. Айни чоғда кўнгили билан ёлғиз қолиш қилмишларини тарозида тортиш, тафаккур оламини кўркам сўзга солиш, ўзни тинимсиз тергаш ва ишидан қониқмаслик, ҳақиқатга мардона қараб, чин ва холис ёзиш, воқеликни ортикча безатмай баён этиш – жуда оз истеъдодли қалам эгалари манг-лайига битилган ёзиқ...

Бобур қалбидаги ҳижрон ва висол, ғурбат ва вафо туйғулари давроннинг жавру жафоларига, “диёру ёр”ига бориб тақалади. Зеро, васл “юз йилги ҳижрон”ни унуттиради.

*Ишқ дардини чекиб ҳар ким топса васли ёр,  
Ул замон бўлғай унут юз йилги ҳижрон шиддати.*

Ишқ дарди ошиқни “жунун аҳли” билан ошно этади. Бунда жунуну ишқу йигитлик бори” қоришиб кетади. Ошиқнинг “телба бўлмоқликдин ўзга” чораси қолмайди. “Ишқ ила девоналиғда бўлмишам соҳиб камол”, дейди шунда у.

Девона кўнгили, “телба кўнгили”ли ошиққа оқилнинг насиҳати ҳам фойда бермайди:

*Кўй, эй оқил, насиҳат сўзларниким  
дилписанд эрмас,  
Менинг девона кўнглимга насиҳат  
судманд эрмас.*

Бундай бетакрор инсоний эътирофлари, ўзи ҳақидаги “рост ҳикоятлар” Бобур ижодининг асос-ўзагидир. Зеро, шоирнинг ишқ дафтари ва варақлаш ва кўнгили дардини теран тушуниш кишини маънан юксалтиради... Бобурнинг ҳаёт йўлида шундай вазиятлар бўлдики, “кўнгли тилаган муродига” ета олмади, аммо орзу-ниятларини, мурод-мақсадларини тарқ ҳам этмади. “Бошини олиб бир сориға” кетиш ғояси шоир ижодида кўп такрорланади. Ҳижрон, ғурбат ва ғариблик алаmidан унинг, “ичи қон бўлди”. Бошига келган бир дунё ғам ва алам йиллар ўтиб, “роҳат била ишратқа мубаддал ўлди”. Бирок

унинг қалби бу билан таскин топмади,  
тинчланмади, хотиржам бўлгани йўқ:

*Толеъ йўқи жонимга балолиг бўлди,  
Ҳар ишники айладим хатолиг бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиг бўлди.*

Бобур учун киндик кони тўкилган юрти тупроғи жуда азиз эди. Ҳижрон, ёлғизлик, ғаму алам, эҳтимол боиси ҳам шундан. Чунки ошиқ висолни, мазлум адолатни, тутқун озодликни орзу қилади.

Бобур ўзи эгаллаган жойларни, жумладан, хинд мамлакатини ҳам обод қилди. Буни кейинчалик Жавоҳарлаъл Неру: “Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди”, дея эътироф этди.

Бобур табиатан мард, меҳр-муруватли, саховатпеша, кечиримли. Зотан, тарих саҳифаларида ўзига ёмонлик, баъзида хиёнат қилган, ҳатто ошига заҳар қўшиб ичирган кимсаларни кечирган вазиятлар ҳам битилган. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо “Тарихи Рашидий” асарида ёзади: “У турли гўзал фазилатлар, мақтовга лойиқ сифатларга эга эди. Барча сифатлари ичида шижоат ва муруватпешалиги устун келарди”. Ўз қилмишлари учун надомат чеккан яқинлари аҳволини тушунади. “Бағрикенг Бобур буларнинг хижолат ғуборларини одамгарчилик ва яхшилик суви билан ювишга ҳаракат қилди”, деб таъкидлайди Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Шоир учун “...дахр аро қолди фалондин яхшилиг” деган гап жуда муҳим.

Ҳамма нарса ўткинчи, ҳаммаси йўқликка кетди. “Бори элга яхшилиг” қилган, башариятга гўзал асарлар тақдим этган Бобурдан яхшилик, яхши ном қолди.

**Баҳодир КАРИМ,**  
филология фанлари доктори

## Сўз гавҳари

\* \* \*

*Инсон билан инсон ўртасида фарқ бор. Бир темирдан ҳам тақа, ҳам қилич ясайдилар.*

Низомий Ганжавий

\* \* \*

*Уч нарса севгига сабаб бўлади: диндорлик, кўнгиллилик, сахийлик.*

*Уч нарса инсонни ҳалок қилади: хасислик, нафсига эргашиши, ўзини яхши кўриши.*

*Уч нарса билан инсонларнинг ақллари синалади: мол-дунё, омонат, мусибат.*

Ҳазрат Али

\* \* \*

*Мазлумнинг ёмон дуосидан сақланинг.*

Ҳазрат Абу Бакр

\* \* \*

*Энг сахий киши ўзи муҳтож бўлатуриб, боиқаларга ёрдам берган кишидир.*

Ҳазрат Умар

\* \* \*

*Қаноатдан ҳеч кимса ўлмади,*

*Ҳирс билан ҳеч ким подшоҳ бўлмади.*

Мавлоно Румий

\* \* \*

*Ер юзида барча изтироблар озига қаноат қилмасликдан тузилади.*

Фирдавсий

\* \* \*

*Қаноатдан насиби бўлмагани дунё қандай қилиб бой қилсин?*

Фаридуддин Аттор

\* \* \*

*Яхшилик одамларни бир-бирига боғлаб турувчи олтин занжирдир.*

Гёте

\* \* \*

*Ўтмишида бой берган имкониятлари учун афсус чекмаган киши келажagini ҳам гўзллаштира олмайди.*

*Қўлидан келгани бажариш вазифадир. Қўлидан янаям кўпроқ иш келиши учун уриниш эса фазилатдир.*

Аҳмад Салим.

**ҲАВВО**  
тайёрлади.

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ

## ҚАДАМЖОЛАРГА БОЙ ЮРТ

Дунёнинг энг йирик саёҳат ширкати “TUI Travel” раҳбари Маҳдий Лангинкий “Ал-Арабия” газетаси муҳбири билан суҳбатда Миср саёҳатчиларни жалб қилиш бўйича илғор мам-



лакат эканини таъкидлади. Мисрда жаҳоннинг етти мўъжизасидан бири борлиги, қадимий меъморлик санъати, милоддан аввалги буюмлар ва Ислом маданиятига оид турли дурдоналарга бойлиги бунинг сабаби эканини қайд этди. Бундан ташқари, дунёнинг деярли барча мамлакатлари билан авиақатнов йўлга қўйилгани, нархлар арзонлиги, денгиз бўйида жойлашган меҳмонхоналарнинг яхши хизмати ҳам саёҳатчиларни жалб этаётганини айтди.

## МУСУЛМОНЛАРГА ЭЪТИБОР

Олмония ҳукумати мусулмонлар байрамларини нишонлашлари ва урф-одатларини эмин-эркин адо этишлари учун кенг имкониятлар яратди. Жумладан, Қурбон ва Рамазон ҳайитларини ни-



шонлашга, хоҳлаган масжидларида беш маҳал намоз ўқишга ва Пайғамбаримизнинг (ﷺ) суннатларини бажаришга рухсат берилди. Шу вақтгача ўғил бола вояга етмагунча уни суннат (хатна) қилишни мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги тақиқлаган эди. Энди эса ота-она розилиги билан чипрон қилдириш мумкин.

## ВИЗАСИЗ ТИЗИМ

Эрон Ислом Республикаси билан Ироқ давлати янги битимни имзолашмоқчи. Битим бўйича Эрондан муборак сафарга отланаётган ҳожилар учун Ироқ давлатидан кириш-чиқишларида ви-

за тизими вақтинчалик бекор қилинади. Бундай визасиз тизимнинг йўлга қўйилиши икки мамлакат ўртасидаги тижорат, саёҳат, транспорт, божхона ва бошқа кўпгина соҳаларда қулайлик туғдириши табиий. Эрон муфтийи Аҳмад Мовсуён оммавий ахборот воситаларига берган суҳбатда бунга алоҳида урғу бериб, бу айниқса, муборак сафарга отланаётган мусулмонларнинг эмин-эркин бориб келишлари учун анча қулайлик яратишини мамнуният билан қайд этди.

## ЯНГИ МАРКАЗ ҚУРИЛАДИ

“World Bulletin” халқаро портали хабар беришича, Америка мусулмонлари уюшмаси Аризона штатида янги маданият марказини барпо этишни режалаштиряпти. Лойиҳа бўйича



қурилиш учун тўққиз миллион доллар сарфланиши мўлжалланган. Янги маданият марказидан барча миллат ва дин вакиллари фойдаланишлари мумкин бўлади. Икки қаватли муҳташам бино анжуманлар зали, ўқув хоналари, Ислом санъати музейи, дам олиш маскани, сув ҳавзаси, спорт майдони, ошхона ва дўконни ўз ичига олади. Кейинчалик мажмуа қошида Ислом маданияти ва ундаги янгиликларни ёритувчи газета босиб чиқариш ҳам кўзда тутилган.

## ИСЛОМ ФИҚҲИ АКАДЕМИЯСИ МАЖЛИСИ

Маккаи мукаррамада Ислом фиқҳи академиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда асосий эътибор шимолий Оврупа давлатларида намоз вақтларини белгилаш ҳамда намозларни бир-бирига қўшиб ўқиш тўғрисидаги масалаларга қаратилди. Саудия Арабистони Қироллиги уламо-лар кенгаши аъзоси, қирол маслаҳатчиси

шайх Абдуллоҳ Маъний белгиланган намоз вақтларини қайта кўриб чиқиш керак-лигини таъкидлади. Қирқ саккизу олтмиш олти даража кенглик оралиғида жойлашган мамлакатларда шарққа нисбатан намоз вақтлари катта фарқ қилишини айтди. Бундай ўлкаларда кун қисқа ва тун узунлигини ҳисобга олиб бу масалага жиддий ёндашиб, тўғри фатво чиқариш зарурлигини айтди. Баъзи жойларда эса ярим йил куёш деярли чиқмаслигини ҳам ҳисобга олишни айтди. Шом билан хуфтонни ёки бошқа намозни бир-бирига қўшиб ўқиш одатга айланиб қолишнинг олдини олиш ҳақида бир қатор фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

### ТУҒИЛИШ КЎПАЙМОҚДА

Америка фуқароларини рўйхатдан ўтказиш ташкилоти маълумотларига кўра, 2050 йилга келиб оқтанлиларга нисбатан қоратанлилар аҳолининг кўпини ташкил қилади. Бунинг сабаби уларда оқ танлиларга қараганда туғилиш сонининг анча кўплигидир. Уларнинг кўпи 1990–2000 йилларда бу ўлкага ўрнашган Лотин Америкаси вакиллари-дир. Олтмишинчи йилларда қора танлилар аҳолининг бор-йўғи ўн беш фоизини ташкил қилар эди. Ҳозир эса уч юз ўн беш миллион нафар аҳолининг ўттиз олти фоизи қора танлилар. Барак Обаманинг президентликка сайланишида ҳам ана шу аҳолининг ҳиссаси катта бўлган.



### БОЛГАРИЯ МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИГА ТАШРИФ

Болгария президенти Росен Плевнелиев София шаҳрида жойлашган мамлакат мусулмонлари идорасига келиб, муфтий Мустафо Алиш ҳожи билан учрашди. Суҳбат чоғида президент қурилаётган янги Ислоҳ олий таълим марказини маъқуллади ва бу қурилишни охирига етказиш масъулиятини таълим вази-

ри зиммасига юклаганини таъкидлади. Шунингдек, мусулмонларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари учун қулай шароит яратиш, диний ташкилотларга моддий ва маънавий ёрдам кўлини чўзишини айтди. Муфтий ташриф учун миннатдорлик изҳор этиб, қилинаётган ғамхўрлик учун бутун Болгария мусулмонлари номидан ташаккур билдирди.

### ЯНГИ ШАҲАРЧА ҚУРИЛАДИ

Саудия Арабистони шарқидаги Хаса вилоятида янги саноат шаҳарчаси барпо этил-япти. Лойиҳага кўра, ажратилган ярим миллион квадрат километр майдонда завод, фабрика, дам олиш маскани, гипермаркет, спорт мажмуаси, ўқув маскани ва бошқа кўпгина бинолар қурилади. Вилоят волиий Фаҳд ибн Муҳаммад Жобир лойиҳадан мақсад аёллар мавқеини кўтариш ва уларнинг ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш эканини таъкидлади. Қадоклаш заводи, текстил фабрикаси, дори-дармон ишлаб чиқариш корхоналарида фақат аёллар ишлайди. Қурилиш ишлари 2014 йилгача тугатилиши режалаштирилган.



### КЎРГАЗМА НАМОЙИШИ БОШЛАНДИ

Буюк Британиянинг “P21 Gallery” томошалар уйида Фаластин санъати кўргазмаси бошланди. Кўргазмани мамлакатнинг хорижликлар билан ишлаш ташкилоти уюштирди. Тадбирда Франция, Белгия, Олмония, Америка ва бошқа давлатлардан келган фотограф ва расомлар қатнашяпти. Фаластиннинг қадимий санъат асарлари билан бир қаторда замондош расомларнинг ажойиб ишлари ҳам намойиш этилмоқда. Кўргазма шу йил март ойигача давом этади.



## ДОЛЗАРЪ МАҚОЛА

Асли тунислик маш-хур шарқшунос олим ва ёзувчи Абдуваҳоб Маддибнинг “Le Monde” газетасида чоп этилган “Ислом ёмонликдан йироқ” номли мақоласи кенг оммани ўзига жалб қилди. Мақолада Ислом динига оид биродарлик, тинчлик, тотувлик, меҳмондўстлик, ширин сўзлик ва мулойимлик каби фазилатлар ва диннинг асл моҳияти ёритилган. Ёзувчи Бангладеш, Индонезия ва баъзи араб мамлакатларида юз бераётган нохуш воқеаларга диндорларнинг алоқаси йўқлигини уқтиришга ҳаракат қилган. Куръони каримда ва Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин ҳадиси шарифларида кўпуровчилик ва бузғунчиликка қарши кўплаб далиллар келтирилганини таъкидлаган.



## ЯНГИ ТАДҚИҚОТ

Американинг “Pew Research Center” ижтимоий тадқиқотлар маркази сайёрамиздаги диндорлар сони ва ёшани аниқлаш бўйича изланишлар олиб борди. Тадқиқотлар Ер аҳолисининг саксон тўрт фоизи динларга эътиқод қилишини кўрсатди. Мусулмонлар ва хиндуийлар энг ёш, насронийлар ўрта, буддийлар ва яҳудийлар эса катта ёшдаги диндорларни ташкил қилар экан. Мусулмонларнинг ўртача ёши йигирма учни, яҳудийларники эса ўттиз олти ёшни ташкил этди. Ҳозир Ер аҳолисининг икки миллиард икки юз миллион нафари насроний, бир миллиард олти юз миллион нафари мусулмон, бир миллиард нафари хиндуий, ярим миллиард нафари буддий ва тўрт юз миллион нафари яҳудийдир. Қолган олти фоиз одам турли динларга ишонади. Ҳеч қайси динга эътиқод қилмайдиганлар орасида хитойликлар кўпчиликни ташкил этади.



Мутахассислар ушбу маълумотларни тўплаш учун икки юз ўттиз икки мамлакатдаги диний ҳаётни ўрганиб, уч мингга яқин манбалардан фойдаланишди.

## АРАБ ТИЛИ ЕТТИНЧИ ЎРИНДА

“Google” портали иш бошқарувчиси Самир Баҳой тармоқда энг кўп ишлатиладиган тиллар орасида араб тили еттинчи ўринда туришини маълум қилди. Арабча саҳифаларга кирувчилар сони шу йўсинда ортса, 2015 йилга келиб араб тили бу борада порталнинг тўрттинчи ўрнига кўтарилиши мумкин. Фойдаланувчиларнинг олтмиш фоизи йигирма беш ёшгача бўлган ёшлар. Сайтлардаги кўп китоб ва тасвирлар PDF формати экани ва қидирув тизими баъзан бу форматдаги электрон китобларни “таний олмагани” ўқувчилар учун муаммо туғдирмоқда. “Google” портали вакили бу муаммоларни бартараф қилиш учун беш миллион доллар ажратишини билдирди.



## ЭНГ ЮҚОРИ НАТИЖА

Ўтган 2012 йилда Парижнинг дунёга машҳур Лувр музейи зиёратчиларни қабул қилиш бўйича тарихда энг юқори натижани кўрсатди. Музейни ўн миллион нафардан ортиқ сайёҳ зиёрат қилди. Бундай муваффақиятга сентябр ойида “Лувр” залларидан бирида очилган Ислом санъати бўлими сабаб бўлди. Уч минг квадрат метр майдонли хона VII–XVIII асрларга оид ўн саккиз мингга яқин турли ноёб буюмлар, қўлёзмалар, бадий ва амалий санъат намуналари намойиш этилди. Сўнгги уч ой давомида музейнинг айнан шу бўлимига олти юз эллик минг зиёратчи ташриф буюрди. Ташриф буюрувчиларнинг кўпи Америка, Бразилия, Хитой ва Шарқий Осиё вакиллари дир.

*Интернет саҳифаларидан олинди.*

# ТАЪТИЛГА ЧИҚМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...

Ҳар бир шахс касб танлаш, меҳнат қилиш ҳамда меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Меҳнат таътилига чиқиш ҳам шулар жумласига киради. Қуйида мавзуга доир икки саволга жавоб оласиз.

**Савол:** Ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга меҳнат таътили бериш тартиби қандай?

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 133-моддасига асосан барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

Шунингдек, ўриндошлик асосида ишлаётганларга – асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда, меҳнат таътили берилиши ҳам мумкин.

**Савол:** Таътиллار қандай ҳолларда узайтирилиши ёки бошқа муддатга кўчирилиши мумкин?

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 145-моддасига асосан ходимлар қуйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;

хомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;

йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганида;

давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганида, башарти қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходим-

ни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса.

Агар таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан таътилдан фойдаланишнинг янги муддати белгиланади. Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонича узайтирилади ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади.

Ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт.

Агар ходим белгиланган муддатда таътилнинг бошланиши тўғрисида вақтида хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади.

Саволларга Ўзбекистон  
муслмонлари идораси ҳуқуқшуноси  
**Икром МАРДОНОВ**  
жавоб берди.



## Умр ўткардинг ажаб, айлаб қаноат, сабр...

### БОБУР ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Кутурман неча йиллар гар бардош керак бўлса,  
Ҳамиша бирга бўлгумки сирдош керак бўлса,  
Тўкурман жолалар ҳам анга ёш керак бўлса,  
Кўзимда муттасил ул эгма қош керак бўлса,  
Қошимда кўз ёруғи ул қуёш керак бўлса.

Умр бўлсин зиёда, киши ўлмасун ҳаргиз,  
Ки гул яшнаб очулсун, бироқ сўлмасун ҳаргиз,  
Ибодат чоғида дилга ғам тўлмасун ҳаргиз,  
Сужуд вақтида гарчи меҳроб бўлмасун ҳаргиз,  
Ки, бош кўярда ўшал эгма қош керак бўлса.

Хилват аро тунлари юлдуз мисол порласа,  
Бошим кўкка етарму менинг чун ул ғам еса,  
Жоним бўлурки садқа гарчи эл ҳам не деса,  
Ҳабиб ишқида бошдин кеч, эй кўнгул, йўқ эса,  
Бу йўлга қўйма аёқ, санга бош керак бўлса.

Кутурман тонгга дегру магар келур хабарким,  
Фироқ айлабки ул ёр, рад этмаса агарким.  
Сочур эрдим йўлига турфа гуллар ва зарким,  
Қўйиб оёғига бош, сўрса лаълидин ҳар ким,  
Бошиға туфроқу оғзига тош керак бўлса.

Умр ўткардинг ажаб, айлаб қаноат, сабр,  
Хаёлингдин ўтмишинг ниҳоят ўтур бир-бир.  
Қилмағил, Суҳайлий сен, ўзгага зулму жабр,  
Сенинг бирга бори эл нохуш ўлса, эй Бобур,  
Не бўлғуси сенга ул ёри хуш керак бўлса.

**Қоражон ҚОДИРОВ,**  
Андижон

### ГАР ДИЛИНГ ПОК БЎЛМАСА...

Чекмасанг захмат, кучоқ очмас Ватан тупроғи ҳам,  
Сабабсиз тарк этмагай гул шохини япроғи ҳам.

Ранжитиб бир бегуноҳ инсонни қон йиғлатмагин,  
Кетмагай ювган билан оғриқ кўнгилнинг доғи ҳам.

Сув ичиб қўйсанг ҳасад дарёсидан бир қатра гар,  
Бош уриб ёлвор, паноҳ бермас Арафот тоғи ҳам.

Кеча-кундуз сажда қилгин, гар дилинг пок бўлмаса,  
Сен учун берқдир мудом қодир Эгам даргоҳи ҳам.

Эй Халил, юртинг севиб боғу чаманзор этмасанг,  
Сенга ул дунёда юз очмайди жаннат боғи ҳам.

### ОРЛАНМАГИН

Бебаҳо дунёсидан гар кетса кут, зорланмагин,  
Хокисор, мажруҳ танангдан чиқса дуд, зорланмагин.

Майлига, шодлик-қувончдан бенасиб бўлгин ва лек  
Ўзгаларга завқу шодлик ҳадя эт, зорланмагин.

Бағри қон бўлсанг бўлибсан, бағри қон бир сенмидинг,  
Бут қилиб имонни доим, қадни тут, зорланмагин.

Токи танда борки жонинг ҳақ Эгамга сажда қил,  
Шул тириклик неъматин сен кўзга сурт, зорланмагин.

Музда қот ё ўтда ёнгин, қайси жон куйгай сенга,  
Минг шукр бирлан азобни ичга ют, зорланмагин.

Битмагандир манглайингга биргина ялдо туни,  
Сен умид бирла тириксан, тонгни кут, зорланмагин.



## ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Булбул нола қилар сахар чоғлари,  
Ҳақ ишқида ёниб куйлар ҳар нафас.  
Биз-чи?! Тўхтатмаймиз иддаоларни,  
Ихлосимиз митти кушчалик эмас.

\* \* \*

Рухинг енгил тортгай, кўнглинг яйрагай  
Олим суҳбатига кулоқ тутган пайт.  
Гўё саҳроларда адашган карвон  
Тўсатдан тип-тиниқ булоқ топгандай.

\* \* \*

Бева-бечоралар қаддини букма,  
Кучингга ортиқча ишонма, нодон.  
Қўйларни бўғизлаб яйраган бўри  
Шернинг чангалида таслим этар жон.

\* \* \*

Кимга ҳасад қилдинг, кимларни ғийбат,  
Кимларга мириқиб етказдинг озор.  
Аммо бил, яхшилик ажр топгуси,  
Ёмонларга эса оғир аниқ бор.

**Абдуллоҳ ҳожи АБДУЛҚОДИР,**  
*Учкўприк тумани “Қораянтоқ” жо-  
ме масжиди имом-хатиби*

## РАЙҲОН ЭКИБ ҚҲЙ

Агар ўлсам қабрим устига  
Мармар лавҳа қўйиб юрмагин.  
Мен тошларни кўтаролмайман,  
Тошга боқиб хаёл сурмагин.

Рухимни шод этмоқчи бўлсанг,  
Бир сўзимни ёдингда тутгин.  
Йўлларига кўз тикиб мендек,  
Соғинч билан баҳорни кутгин.

Ер уйғониб, бодом шохлари  
Капалақдан сирға таққан дам,  
Мен қазиган ариқ бўйига  
Бир туп райҳон экиб қўй, болам.

\* \* \*

Кўнгилларда юлдуз эмас,  
Чақнаб турган кўз қолар.

Имон сотмай айтган бўлсанг,  
Дилдан чиққан сўз қолар.

**Абдухалил ҚОРАБОЕВ,**  
*Андижон*

## ТАНИГИН

Банда бўлсанг, аввало  
Яратганни танигин,  
Кўзингга нурни жойлаб,  
Таратганни танигин.

Белгинангга қуввату  
Юрагингга ўт солиб,  
Сенга ризку рўз бериб,  
Яшатганни танигин.

Панд бермаса ақлу хуш,  
Кунинг ўтса беташвиш,  
Юрсанг мисли эркин куш,  
Ошатганни танигин.

Тунлар бўлса қоронғу,  
Ой чиқади осмонга,  
Ёришар қора зулмат,  
Ёритганни танигин.

Ширин фарзандлар бериб,  
Уй ичини тўлдирган,  
Булбул қилиб уларни  
Сайратганни танигин.

Тўй-тўйчиққа етказиб,  
Ўйин-кулги, завқ бериб,  
Юрагингга нур солиб,  
Яйратганни танигин.

Имон бирга кетсин деб  
Умид билан доимо  
Фарзу суннат адо қил,  
Амр этганни танигин.

Қандай тилагинг бўлса,  
Сўра ёлғиз Аллоҳдан,  
Гуноҳни тавба билан  
Аритганни танигин.

**Абдумўмин АБДУҚОДИРОВ,**  
*Фурқат тумани*



# КЎНГИЛГА ОЗОР ЕТМАСИН



Аллоҳ таоло бандасининг тоғлар қадар гуноҳини кечиргани ҳолда, бандаларнинг бир-бировларидаги ҳақи афвини уларнинг ўзига ҳавола қилди. Бу шундай ҳаққи, тарозу ёнида, розиликни олиш учун савобдан бошқа сармоя бўлмаган онда бандаси рози бўлмагунича карами кенг Ҳақ таоло кечиб юбормайди. Шу сабаб бундай иш қилган одам бу дунёда, тирлик чоғида ранжитган инсонидан кечирим сўраб, розилигини қозонмоғи керак. Аммо кўп ҳолларда ғурур ёки бепарволик кечирим сўрашдан тўсади.

Масалан, ҳаётимизда жуда кўп учрайдиган оддий ҳолат. Ҳамкасбимиз билан тортишиб қоламиз, дилни оғритадиган гапларни айтар даражага етамиз. Кейин эса “бу иш-да, шунақаси бўлиб туради”, деб ўзимизга тасалли берамиз. Аслида эса шу кўнгилхираликсиз ҳам муаммони (агар муаммо деб бўлса!) бартараф этиш мумкин. Фақат бир оз сабр, кенг феъл керак...

Бир тасаввур қилайлик, тортишган кунимизнинг эртасига ўша ҳамкасбимизни кўролмасак, розилигини олишга улгуролмасак... Дилда умрлик армон қолади. Айб ундан ўтган тақдирда ҳам, ён бериш мумкин эди-ку! Энди эса бутун умрлик виждон оғриғи...

Ёки бўлмаса, бир умрлик йўлдошингиз, яхши-ёмон кунингизда ҳамроҳингизни арзи-

мас сабаблар билан тез-тез қойийсиз. Бора-бора бу одатий гап-сўзга, ҳаёт тарзига айланиб қолади. Тўғри, бундай яшаш жонига тегиб, умр йўлдошингиз ёнингиздан кетиб қолмайди, оилам, фарзандларим дейди... Бироқ у ҳам одам. Унда ҳам қайта тикланмайдиган асаб толалари бор. Доимий асаббузарлик сабаб саломатлигига путур етади. Шунда ҳар кунги жанжалларни, кўполликларингизни эслаб, надомат чекмайман дея оласизми?

Масалани теранроқ аңлатиш учун бир воқеани келтириб ўтсам. Мактабни битирган йилим эди. Имтиҳонларга астойдил тайёргарлик кўрдим, бироқ ўша йили ўқишга кириш насиб этмади. Уйга кетяпман-у, умр маъносини йўқотган каби тушқунликдаман. Қани энди машинада йўловчилар бўлмаса-ю, тўйиб-тўйиб йиғласам. Йўлнинг узоклигини айтмай-сизми? Ўчакишгандай, ёнимда ўтирган аёлнинг турли ёқимсиз қилиқлари, янги-янги истаклари лоҳаслик, чарчоғимни ошириб борарди. Бир мен эмас, бошқалар ҳам норози, ҳатто хайдовчи бир гал ёши каттароқ йўловчига: “Бу аёлга бирор нарса десанглар-чи, бошим ёрилай деяпти, бунақада диққатимни жамлолмайман”, деди. Аммо ҳамма жим...

Довондан ўтиб борардик. Аёл бу сафар кўшиқ эшитгиси келаётганини айтиб, сумкасидан кассета чиқарди. Қулоқни қоматга келтириб, хориж мусиқаси янграй бошлади. Аммо аёл бунга ҳам қаноат қилмай, магнитофон овозини борича кўтарди. Ана шунда мен чидаб туrolмадим:

– Опа, овозини пасайтиринг, менга ёқмаяпти!

– Сизга ёқмаса, бошқаларга ёқади. Машинада битта сиз келаётганингиз йўқ-ку! – деди аёл эътиборсизлик билан.

– Ҳа-да, – дедим мен ҳам, – уч соатдан бери тўртта одам сизга шуни, машинада ёлғиз эмаслигингизни айтолмай келяпмиз!

Аёл ҳеч нима деёлмай қолди. Гаплари ҳам аввалгидек бутун эмас:

– Ахир, мен зерикмай кетайлик деб...

Шу билан манзилига етгунича оғиз очмади. Аммо ўша пайтда ғалаба деб ўйлаганим уч соатлик тинчлик менга бутун умрлик азоб бўлиб ёпишди. Ўшандан бери бу йўллардан неча марталаб, турфа ҳамроҳлар билан ўтдим. Аммо ўша аёлнинг охирги айтган гапи, ўша онда юзида акс этган ифода ҳамон кўз ўнгимда. Гапимдан оғрингани аён эди. Ҳозир ўша аёлнинг қаерда тушиб қолганини эслолмайман. Уни топиб, кечирим сўраш имконсиз. Лекин ўша оғрик, ҳар гал эсимга тушганида афсуслантирадиган бу хотира бугун менга ноҳақлик қилинганида ҳам тилимни тийишга ундайди. Яна битта шунақа оғриқни орттирмаслик, бир банданинг, бир мусулмоннинг дилини оғритмаслик учун жим туришга чакиради...

Менга неча марта қаттиқ сўз айтилади, уларга муносиб жавобларим ҳам йўқ эмас. Кўп ҳолларда ҳақлигим ҳам аниқ. Лекин ўша оғриқ гапиргани кўймайди. Чунки мени оғринтирганларнинг қанчасини унутиб юбордим, ҳатто бутунлай ёдимдан кўтарилди. Аммо ўша аёлга қилган кўполлигимни унутолмадим. “Мен ҳақ эдим”, деб ўзимга уқтиришга қанча ҳаракат қилмай, таскин топмадим...

Бу ҳолат менга катта сабоқ бўлди. Бугун ноҳақликни-ку кўйинг, ҳақлигимни билсам ҳам, тилимни тияман. Чунки озор берганим ўткинчи бир бегона бўлса, кечирим сўраёлмай қолишим мумкин. Агар яқиним бўлса, бир кун хатомни тушуниб, кечирим сўраганимда ҳам, қоқиб, суғурилган михдан чуқурча қолганидек, дилида бир чандик қолади. Ҳар гал мени кўрганида ўша жароҳат ўрни бир жизиллатиб ўтса-чи? Бунинг ҳақини ўташ яна ҳам қийинроқ...

Бугун биз ўта майда, ҳатто хато деб ҳам ҳисобламаётган, аслида эса бизни қанчадан-қанча савобдан маҳрум қилаётган озорларсиз ҳаётимиз қанчалар гўзал бўларди-я...

**Нигора МИРЗАЕВА**

## Тотувлик сири

Бир шаҳарда икки кўшни яшар эди. Бирининг оиласидагилар ҳамма нарсада бир-бирларини айблар, ҳеч келишолмас, уйлари-дан бақир-чақир овозлари келиб турарди. Иккинчи кўшнининг уйидан эса, ҳеч қаттиқ овоз эшитилмасди. Бир куни жанжалкаш кўшнининг бекаси эрига:

– Боринг, нега уларнинг жанжаллашмаслиги сабабини билиб келинг, – деди.

Эри кўшнисининг уйига кириб, бир бурчакка беркинди, пойлай бошлади. Уй бекаси идишларни артаётган эди. Бирпасдан сўнг телефон жиринглаб қолди. Аёл кўлидаги кўзани стол четига кўйиб, телефонни олди. У қайтгунича эри бошқа хонадан чиқиб, бехосдан ҳалиги кўзани ерга тушириб юборди. “Энди жанжал бўлади”, деб ўйлади кўшни беркинган жойида.

Аёл келиб, афсус билан:

– Кечирасиз, хўжайин. Мен айбдорман, идишни столнинг четига кўйибман, – деди.

– Йўғ-е, нима деяпсан? – жавоб берди эр. – Мен айбдор. Доим шошиб юраман, эътиборсизман.

Кейин кўшиб кўйди:

– Ҳа, майли, синса-синар, идиш экан-ку!..

Жанжалкаш кўшни уйига келган заҳоти хотини саволга тутди:

– Ҳа, бунча қолиб кетдингиз? Нима экан?

– Нима, нима? Ҳеч нима. Уларнинг иккаласи ҳам айбдор экан. Бизда эса айбдор йўқ, ҳаммамиз доим ҳақ бўламиз...

**Ёқуб УМАР**  
тайёрлади.



# ҲАНАФИЙ ФАҚИҲЛАР

Барча илмлар, хоссатан, динимизга доир илмларнинг ривожига Ўрта Осиё халқларидан етишиб чиққан уламо ва фуқаҳоларнинг қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Диний илмларнинг барча соҳалари бўйича аждодларимиз мислсиз маърифий мерос қолдиришган. Журнал саҳифаларида мана шундай буюк алломаларимиздан энг машҳурлари ҳақида қисқача маълумотлар бериб боришни мақсад қилдик.

## БУХОРО ФАҚИҲЛАРИ

### АБУ ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ

Абу Ҳафс Кабир 150/768 йили туғилиб, 216/832 йил вафот этган.

Абу Ҳафс Кабир Аҳмад ибн Ҳафс Бухорий Бағдодга бориб, Имом Муҳаммад билан учрашади ва ундан дарс ола бошлайди. Ҳанафий фикҳини ўзлаштириб, бошқа диний илмларда камолга етганидан кейин она шаҳри Бухорога қайтиб келади. Бу ерда у бир неча масжид ва мадрасалар куриб, талабаларни ўқитади. Одамларнинг турли саволлари ва масалаларининг жавобларини айтади.

Абу Ҳафс ҳанафий мазҳабини биринчи бўлиб Мовароуннаҳрга олиб келди. Унинг кўлида кўпгина фақиҳлар ва олимлар етишиб чиқди. Ҳатто тарихчилар таъкидлашича, Бухорода илмнинг тарқалиши, имом ва уламоларнинг ҳурмат топиши Абу Ҳафс Кабир туфайлидир. Буюк тарихшунос олим Самъоний айтишича, Абу Ҳафс кўпгина фақиҳларни тарбиялаб камолга етиштирган. Улар Харожир кишлоғида яшашган.

Ҳанафий мазҳаби фикҳи-

нинг Мовароуннаҳрда тарқалишида Абу Ҳафс Кабирнинг оиласи, хусусан, ўғли Абдуллоҳнинг ҳам хизмати буюк. Шунинг учун ҳам уни Абу Ҳафс Сағир, яъни “Кичик Абу Ҳафс” деб аташган.

Абу Ҳафс Кабирнинг шухрати бутун Бухорога, қолаверса, бутун Ислом оламига тарқалади. Ҳатто араб дини олимлари бирор масаланинг жавобини топишда қийналиб қолишса, Бухорога Абу Ҳафс Кабирнинг олдига киши юбориб, ечимини билиб олишарди.

### АБУ ЗАЙД ДАБУСИЙ

Бухоро билан Самарқанд оралиғида жойлашган Дабусия шаҳрида туғилиб ўсган. «Қузоти сабъа» (Етти машҳур кози)дан бири Абу Зайд Убайдуллоҳ (баъзи манбаларда “Абдуллоҳ”) ибн Умар ибн Исо Дабусий фикҳ бўйича «Илмул хилоф» деб аталган янги илмнинг асосчиси эди. У аҳли сунна мазҳаблари орасидаги ихтилофларни тартибга солиб, илмий услубда ўрганиш қоидаларини ишлаб чиққан ва кўп илмий асарлар ёзган. Улардан «Китобул асрор фил усул вал фуруъ», «Ал Амадул аксо», усулул фикҳ бўйича

«Ал Анвор» китоби машҳур бўлиб, «Таъсисун назар» Мустафо ибн Муҳаммад Қаббоний Дамашкий муқаддимаси билан Мисрда нашр этилган. Усулул фикҳ бўйича у ёзган «Таквимул адилла» китобини фахрулисом Паздавий шарҳлаган.

Ибн Халдун таъкидлашича, Дабусийнинг усулул фикҳ бўйича ёзган китоби бу соҳада ёзилган асарларнинг энг муҳимларидан бири ҳисобланади.

Дабусийнинг «Ат Таълиқа» номли китоби ҳам хилоф илмига доир. «Абжадул улум»да таъкидланишича, ҳанафий мазҳабида у қиёс услуби бўйича кенг маълумот берган, унга тегишли бўлган шартлар ва баҳсларни тугатган ва усулул фикҳ илмини камол даражасига етказган олим бўлган. Ҳанафий мазҳабида қиёс услуби борасида энг яхши асар ёзган олим, олдинги олимлардан Дабусий ва кейинги олимлардан сайфул ислом Паздавийдир.

Имом Заҳабий ёзишича, Дабусий 430/1039 йили вафот этган. “Табокотул ҳанафия” китобида алломанинг Дабусиядаги «Тўққиз кози» (ёки Етти кози) мақбарасига дафн этилгани ёзилган.

## ШАМСУЛАИММА ҲАЛВОНИЙ (ҲАЛВОИЙ)

Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солих шамсулаимма Ҳалвоний (Ҳалвоий) Бухорий фикҳ илмини Ҳусайн ибн Али Насафийдан олган. У 448/1057 йили Кеш шаҳрида дунёдан ўтиб, Бухорога элтиб дафн этилган. Унинг илмий мақоми юксак бўлган. Машҳур ва катта ҳажмли асари «Ал Мабсут» бўлиб, «Китобу наводир» ҳам унинг қаламига мансуб.

Заҳабий «Сияру аъло мин нубало»да ёзишича, шамсулаимма ҳанафийлар пешвоси эди. Ундан шамсулаимма Сарахсий, фахрулислом Баздавий, укаси садрулислом Абулюср, шамсулаимма Бакр ибн Муҳаммад Заранжарий илм ўрганишган.

Зарнужий «Таълимул мутаалим»да ёзишича, унинг отаси фақир киши бўлиб, ҳолвапазлик ва ҳолва сотиш билан шуғулланарди.

## ХИСОМИДДИН УМАР

Хисомиддин садрушшаҳид Умар ибн Абдулазиз (1091–1142) усул ва фуруъ бўйича ҳанафий мазҳаби имомларидан эди. У маъқул ва манқул бўйича даврининг буюк олимларидан бўлиб, илмул хилоф ва мазҳаб муаммолари соҳасида катта салоҳиятли олим бўлган.

Хисомиддин фикҳ илмини отаси Бурҳониддин Кабирдан ўзлаштириб, даврининг тенгсиз алломасига айланди. У ҳар доим фақиҳларга дарс ўтиб, олимлар билан мунозарада бўларди. Унинг ил-

му фазилатини тарафдорлари ва муҳолифлари бирдек эътироф этишган. Олимнинг лаёқат ва илмий муваффақиятлари Мовароуннаҳрда султоннинг ҳам, атрофидагиларининг ҳам катта иззат-эҳтиромига сазовор бўлди. Имом 536/1142 йил Самарқандда юз берган Катвон воқеасида шаҳид бўлди, жасади Бухорога элтиб дафн этилди.

Аллома Хисомиддин Бурҳониддин Марғинонийнинг буюк устозларидан бири бўлган. У ёзган асарларидан «Ал Фатово ас суғро» «Ал Фатово ал кубро», Хассофнинг «Адабул қазо» китобига, шунингдек, «Ал Жомий ас сағир» китобига ёзган шарҳлари машҳур.

## НУРУДДИН СОБУНИЙ

XII асрда мотуридия мактабининг яна бир атоқли вакили Аҳмад ибн Маҳмуд Собуний асарлари билан катта шуҳрат қозонди. Фикҳ илми ва мотуридия калом мактабининг ҳомийси сифатида эътироф этилди. Унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Абу Бакр бўлиб, манбаларда «Ал Имомул ажалл» (Буюк имом), «Нуруд дин» (Дин зиёси), «Носирул ҳақ» (ҳақ ёрдамчиси) ва Собуний унвонлари билан шуҳрат қозонган. Кунyasi, айрим манбаларда, “Абу Муҳаммад, баъзиларида “Абулмаҳомид” шаклида берилади. Тадқиқотчилар фикрича, унинг «Собуний» деб аталишига совунсозлик ёки совун сотиш билан шуғулланиши сабаб бўлган.

Нуруддин Собуний 16 сафар 580 йил/30 май 1184 йил чоршанба куни куёш ботиш чоғида ҳаётдан кўз юмиб, Бухородаги «Қузоти сабъа» (Етти қози) мақбарасига дафн этилган.

Собунийнинг туғилган йили ва жойи ҳақида аниқ маълумот йўқ. У билан Фаҳриддин Розий орасида бўлиб ўтган мунозаралар йилига асосланиб, хижрий VI аср бошларида Бухоро шаҳрида туғилган, деган фикр бор. У туғилган оила обрўли хонадонлардан ҳисобланиб, Бухоро, шунингдек, Ироқ ва Хуросонда илму фан билан эътибор топган.

## ШАМСУЛАИММА ЗАРАНЖАРИЙ

Бакр ибн Муҳаммад ибн Али ибн Фазл ибн Ҳасан шамсулаимма Заранжий (1037–1120) иқтидорли олим ва ҳанафий мазҳабини ҳимоя қилиши бўйича тилларда дoston бўлган имом эди. Ўз шаҳрининг аҳолиси уни «Кичик Абу Ҳанифа» деб аташарди. У фикҳ илмини Абдулазиз Ҳалвонийдан ўрганиб, ундан ривоят қилган охириги киши ҳисобланади.

Заранжий узоқ умр кўрди, ҳанафий мазҳаби бўйича кўп қиррали маълумотга эга бўлди. Кишилар фатво олиш учун ҳар доим унга мурожаат қилишарди. У фикҳ илмини тарқатиш, ҳадислар ривоят қилиш бўйича катта хизматлар қилди. Аллома 512/1120 йил Бухорода вафот этган, Калобозда дафн этилган.

**Шайх Абдулазиз МАНСУР,**  
*Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси раиси ўринбосари*

# КИЙИМ МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Кузнинг илк кунлари эди. Автобусда ёнимда ўтириб келадиган ҳамроҳим рўпарамиздаги ёш қизларга қараганча, ўз-ўзига сўзлагандай гап бошлади:

– Биз ёшлик пайтимизда ўзимизга мос, ранглари очик, тиниқ матолардан кийим тиктириб киярдик. Кейин, ёшимиз каттариб, секин-аста одми, сипо киядиган бўлдик. Ҳозир ёш қизу жувонларнинг кўпчилиги қоп-қора либосда юради. Тўйгаям, байрамгаям худди азадаги каби тўқ, бўғиқ рангли кийимда боришади, фақат у ер-бу ерига ялтир-юлтир қадаб кўйилган.

Аёлнинг гап оҳангида энгил киноя бўлгани боис, ҳазилнамо савол бердим:

– Ўзингизниям қизу келинларингиз бордир, улар қанақа кийинишади?

– Ўрик ўрикни кўриб ранг олади-да. Менинг гапим билан очик рангли, кўзни яшнатадиган, ярашиб турадиган кийимлар ҳам олишган-у... аммо ўзлари ҳеч қатордан қолишни исташмайди. Олдин билинмас эди, лекин ёши ўтган сари одамнинг кўнгли қорани кўтармай қоларкан...

Охирги фикр раҳматли онамнинг гапларини ёдимга солди. Эсимда, онам элликка кирар-қирмас умуман ёруғ ранг аралашмаган тўқ кўк, зангори, қорамтир матолардан

кўйлак кия бошлаган эдилар. “Қариликни мунча эрта бўйинга олдингиз. Кийимларингиз худди кампирларникига ўхшайди”, деганларга “Менга шу ўнғай”, деб жавоб берардилар.

Аллоҳга шукр, онажоним тўқсон йил умр кўрди. Ихчам, соғлом, табиатан кенгфёшликларни сабабли, ҳаётларининг охиригача тоат-ибодатда бўлди, ҳеч кимга оғирлиги тушмади. Фақат, етмиш ёшлардан ўтгач:

– Ҳамма нарсанинг ўз вақт-соати бўларкан-да. Ҳадеб кия-верганимданми, нимагадир қора, бўғиқ рангли кийимларни энди кўнглим кўтармай қолди, деб хаворанг, оқ, яшил рангли кийимларга ўтувди.

Миллатимизнинг кийиниш маданияти ҳам асрлар давомида юртимизнинг иқлими, табиати, динимиз, халқимизнинг урф-одатлари, шунингдек, одамларнинг ёши билан боғлиқ ўзига хосликлар асосида шаклланган, ривожланган. Кимларгадир тақлид қилиб минг йиллик қадриятларни йигирма ўттиз йил ичида янгилаш ёки қайта қуришга уриниш ўзингга ҳар томонлама қулай қурилган иморатни бузиб, йўл-йўлакай тикланган қапага кириб олишга ўхшамайдими? Кексалар айтганидек, бузиш осон, қуриш жуда қийин.

Бизнинг иқлимимизда, айниқса, ёз кунларида қора ёки

қуюқ тўқ рангли кийимларда юриш саломатликка зарар эканини шифокорлар кўп гапиришган. Ҳамма нарсада, жумладан, рангларда ҳам мутаносибликни сақлаш – маданият-лилиқ белгиси, кишининг дидини кўрсатади. Ёрқин, тиниқ, дилларга илиқлик ва ҳарорат бахш этадиган рангларга бой табиат қучоғида қоп-қора либосларда юриш чиройли эмас. Мутахассислар ёруғ ранглар инсон руҳиятига ором, сокинлик, қувват, кўтаринкилик бағишлашини айтади.

Шу ҳақда сўз кетганида, бир ёш қиз: “Э-э, бувимларнинг замонлари ўтиб кетди. Улар модани тушунармиди?” деган эди. Ҳа, инсон ҳаётида нисбатан тез ўзгарувчи нарсалардан бири – кийим. Мустақиллигимиз туфайли Ватанимиз дарвозалари дунёга кенг очилди. Ундан умумбашарий маданият, маънавият дурдоналари билан аралашиб ўткинчи “нималардир” ҳам кириб келиши табиий. “Ўсма кетар, қош қолар”, вақт саракни саракка, пучакни пучакка ажратади. Лекин ана шу муддат ичида ҳам ёшу кексаларни “пучак”нинг зарарли таъсирларидан асрашнинг ишончли йўли янгиликларга кўр-кўрона эргашиш эмас, балки уларнинг моҳияти, мақсади, бугунимиз ва келажакимиз учун қанчалик керак ёки

кераксиз, фойда ёки зарар эканлигини яхшилаб ўйлаб, ақл тарозусида ўлчаб, кейин бир тўхтамга келиш. Чет эллардан бозорларимизга кириб келаётган моллару маҳсулотларнинг жуда катта қисми кийим-кечаклар, уларнинг ичида “энг замонавий”лари кўп. Лекин бу “антиқа”лардан аксарияти бир марта кийишга ярайди, холос. Қадимий атлас, адрас, беқасам, шойиларимиз ҳамма замонларда харидоргир, улардан тикилган кийимларга ўзимиз ҳам, чет элликлар ҳам ҳали-ҳануз маҳлиё... бу матоларнинг нафақат ранглари ва жилоси гўзал, улар саломатликка фойдали табиий ип-ипаклардан тўқилган.

“Ёши бир жойга бориб қолган кексаларга қизлар қандай кийинишининг нима аҳамияти бор?” дейди яна кимдир. Тасаввур қилинг: кучкуватдан қолиб, бошқаларнинг ёрдасиз ташқарига чиқолмайдиган, кунлари асосан тўрт девор ичида ўтадиган қарияларнинг олдига кириб келган фарзандлари, келину набиралари қопқора кийимда бўлса... уларнинг нурга ташна кўзларига, қалбига ёруғлик олиб кириш қандай яхши!

Инсон ҳамиша Ватани, халқи, фарзанди, маданияти, адабиёти, кадриятлари каби бебаҳо неъматлар насиб этганидан фахрланиб юради. Кийим-кечаклар ҳам худди шундай: ота-боболардан мерос, ҳаётий талабларга кўра илму маданиятнинг уйғунлашуви асосида шаклланган миллий либосларимиз – маънавиятимиз кўзгуси, улар янги-янги авлодлар диди ва талабига қараб мукаммаллашиб боради. Лекин моҳият ўзгармайди. Фарзандларни миллий кийим-кечакларимизни фахрланиб кийиб юришга ўргатиш ҳамма замонларда долзарб вазибалардандир.

**Муҳтарама УЛУҒОВА**

## Саййид Амир Кулол

Соҳибқирон Амир Темурнинг пири ва устози Шамсиддин Кулол қачон ва қаерда туғилгани ҳақида бирор-бир манбада кўрсатилмаган. Аммо у зот Саййид Амир Кулолнинг (1305-1370) шогирди, Баҳоуддин Нақшбанднинг (1318-1389) устозларидан бири эканини ҳисобга олсак, шайхнинг Саййид Амир Кулолга тенгдош бўлгани ёки ундан ёши бир оз каттароклиги маълум бўлади. Ҳар иккалалари ҳам 1370 йили вафот этган.

Ёшлигиданоқ диний илмларни чуқур эгаллашга ҳаракат қилган Шамсиддин кейинчалик тасаввуф таълимотига, унинг хожагон – нақшбандия тариқатига ихлос қўяди. Бухоронинг Сухор қишлоғига бориб, Саййид Амир Кулолга шогирд тушади ва бу соҳадаги билимларни ўзлаштиради.

Шамсиддин Кулолнинг илм йўлида чеккан заҳматлари зое кетмайди. Шайхлик даражасига кўтарилади. Соҳибқирон Амир Темур ва отаси Муҳаммад Баҳодир Тарағайнинг пирига айланади.

Василий Бартолд Саййид Амир Кулол ва Шамсиддин Кулолни бир шахс деб хато қилган. Вадим Массон ва Галина Пугаченкова кабилар ҳам шундай дейишган. Аслида улар “кулол” нисбасидаги икки шайх. Бири бухоролик, иккинчиси эса шахрисабзлик, иккаласи ҳам кулол бўлишган.

Шайх Шамсиддин Кулол Амир Темурга маънавий устозлик қилган, унга кўп масалалар бўйича маслаҳатлар берган. Шу боис манбаларда Соҳибқироннинг: “Салтанатдан қўлга киритган барча нарсам ва мустаҳкам маконларни фатҳ қилишимнинг ҳаммаси Шамсиддин Фахурий (Кулол)нинг дуоси туфайлидир”, деган сўзни кўп такрорлагани келтирилади. Шайх Шамсиддин Кулол Амир Темур Мовороуннахр тахтига ўтирганидан етти ой ўтгач, 1370 йил 28 ноябрда оламдан кўз юмган.

Соҳибқирон пирига юксак эҳтиром кўрсатиб, 1373 йили ҳозирги “Дорут-тиловат” ёдгорлик мажмуасидаги қабри устида муҳташам гумбаз барпо этади. Отаси Муҳаммад Тарағайнинг муборак жасадини ҳам шу ерга кўчиради. Мақбарадан унча узок бўлмаган кўчага шайх Шамсиддин Кулол номи берилган.

**Фазлиддинхон МУХТОРОВ,**  
*Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани  
бош имом-хатиби*

# Парранда ва ҳайвонлар ҳақи



Аллоҳ таоло инсониятга ақл-идрок бериб, мукаррам қилди. Эҳтиёжини қондириш учун жонзотларни бўйсундирди. Одамлар ҳайвон ва қушларнинг гўштларини ейдилар, жуни, пати ва терисидан кийим-бош киядилар. Аллоҳ таоло бу каби неъматларини васфлаб: **“У яна сизлар учун иссиқ (кийим) ва (турли) манфаатлар бўлсин, деб, чорва молларини ҳам яратди ва улардан тановул ҳам қилурсиз. Яна сизлар учун уларда кечқурун (ўтлоқдан) қайтаётган ва тонгда (ўтлоққа) кетаётган пайтида гўзал манзара пайдо бўлур. Шунингдек, улар (мазкур ҳайвонлар) сизлар жонларингизни қийнаб етадиган юртларга юкларингизни кўтариб борур. Албатта, Раббингиз меҳрибон ва раҳмлидир”** (*Наҳл, 5–8*), дея Ўзигагина шукр ва ибодат қилишимизга амр этди.

Аллоҳ энг катта махлуқотлардан тортиб, кўз илғамас жонзотларгача бежиз яратмаган. Уларнинг инсонга билдирган ва билдирмаган хикматлари бисёр. Одамлар ҳайвонлар бизга бўйсиндириб берилган, улар билан истаганча муомала қиламиз десалар, янглишадилар.

Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) жонзотларга меҳр-шафқат кўрсатиш, уларнинг ҳақларини бериш тўғрисида тавсиялар берганлар. Инсонлар ўзаро қилган муомалалари каби ҳайвонлар устидан ҳам бирдек жавобгарлар. У зот (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) маркаб ёки чорва ҳайвонни калтаклаш, оч қолдириш, оғир юк ортиш каби ишлардан қайтариб, бундай марҳамат қилганлар: “Ердаги махлуқларга раҳм қилинглр.

Сизларга осмондаги Аллоҳ раҳм қилади” (Имом Бухорий).

Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ўтган умматлардан чанқокдан ҳарсиллаган ва нам тупроқ ялаётган итга сув берган кишидан Аллоҳ рози бўлгани хабарини берганлар.

Ҳайвонларга зулм қилган киши охиратда жазога тортилади. Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) мушукни қамаб, таом бермаган ва ўзи озуқа топиб ейиши учун ҳам қўйиб юбормаган ҳамда ўлимига сабаб бўлган аёлни Аллоҳ дўзахга киритганини хабар берганлар.

Шунингдек, тирик ҳайвонни ёкиш, ўйнаб ўқ отиш учун нишон қилишдан ҳам қайтарганлар. Абдуллоҳ ибн Аббосдан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади: Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Руҳи бор бирор нарса нишон қилманглр” деганлар. Сафардан қайтишда чумолилар уясига саҳобалар ўт қўйишганида Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) улардан: “Буларни ким куйдирди?” деб сўрайдилар. Улар: “Биз”, дея жавоб қилишади. Шунда у зот (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Аллоҳдан ўзга ҳеч ким ўт билан азоблашга ҳақли эмас”, дейдилар (Имом Абу Довуд).

Ҳайвонларни заруратсиз ўлдиришдан ҳам қайтарилади. Набий (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Ким бир чумчукни сабабсиз ўлдирса, Қиёмат куни у аршнинг остида туриб: “Раббим бу банданг мени нега сабабсиз ўлдирди, сўрагинчи?”, дейди, деганлар” (Имом Аҳмад).

Юқоридаги оят ва ҳадисларга амал қилган ҳолда ҳозирда барча юртларда, мажруҳ, қаровсиз, хизматга ярамай қолган ҳайвонларга вақфлар ажратилган. Шу соҳа хизматчилари ҳайвонларни озик билан

таъминлаш, тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга янги эгалар топиш вазифасидадирлар. Олимлар ҳам мана шу мавзуга доир оят ва ҳадисларни ўрганиб, қуйидаги хулосага келганлар:

1. Қарамоғидаги ҳайвонга нафақа бериш вожиб. Акс ҳолда, сотади ёки бировга инфоқ қилади ё ризқини топадиган ерга қўйиб юборади.

2. Кўзи кўр ёки мажруҳ мушук бирор уйга келса, уй эгалари уни овқатлантирадилар. Чунки у ўзича овқат топиб еёлмайди.

3. Юк ташиш, миниш учун ижарага олинган ҳайвон оғир юкдан ўлса, ижарачи тўлайди.

4. Бўш ҳайвон бировнинг экинини пайҳон қилса, жазоланмайди.

5. Ҳайвонларга яхши муносабатда бўлмаслик билан танилган кишига ҳайвон ижарага берилмайди. Чунки у ҳайвонга жабр қилиши мумкин.

Хуллас, Ислом нақадар гўзал ва адолатли дин эканига яна бир бор гувоҳ бўламиз. Аллоҳ нафақат инсонларни, балки ҳайвонларнинг ҳақларини ҳам белгилаб берган. Синовли дунё тугаб, ҳисоб они келиши ҳақ. Бизга бўйсундириб берилган барча ҳайвонот олами олдидаги масъулиятимизни ёдда тутиб, меҳр кўрсатишда давомли бўлайлик. Раббимиз амрларини бажаришни унутмайлик.

Тошкент Ислом  
институтини талабаси  
**Райҳона Тожибоева**  
тайёрлади.